

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 27.06.2017. Fil. 46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

ХАСАНОВ НОДИРХОН ДАДАХАНОВИЧ

ЯССАВИЙЛИККА ДОИР МАНБАЛАР
ВА «ДЕВОНИ ҲИКМАТ»

10.00.02 – Ўзбек адабиёти
(филология фанлари)

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2017

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации
Contents of the abstract of doctoral dissertation

Ҳасанов Нодирхон Дадаханович

Яссавийликка доир манбалар ва «Девони ҳикмат» тадқиқи.....5

Хасанов Надирхан Дадаханович

Источники Яссавия и исследования «Дивани хикмат».....35

Khasanov Nodirkhon Dadakhanovich

Sources about Yassawi heritage and the study of «Dewani hikmat»
(Collection of wise tellings).....70

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....79

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 27.06.2017. Fil. 46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

ХАСАНОВ НОДИРХОН ДАДАХАНОВИЧ

**«ЯССАВИЙЛИККА ДОИР МАНБАЛАР
ВА «ДЕВОНИ ҲИКМАТ»**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти
(филология фанлари)**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Докторлик диссертацияси (DSc) мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.DSc/Fil2 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tai.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Ҳаққулов Иброҳим Чориевич
филология фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Ҳомидий Ҳомиджон
филология фанлари доктори, профессор

Болтабоев Ҳамидулла Убайдуллаевич
филология фанлари доктори, профессор

Салоҳий Дилором
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат
ўзбек тили ва адабиёти университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.46.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «___» _____соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100060, Тошкент, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5. Тел: (99871) 233-36-50, факс: (99871) 233-71-44; e-mail: uzlit@uzsci.net).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (___рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100100, Тошкент, Зиёлилар кўчаси, 13. Тел.: (99871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2017 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2017 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Б.А.Назаров,
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, академик

Р.Баракаев,
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.н.

Н.Ф.Каримов,
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
филол.ф.д. профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Аҳмад Яссавий ўзбек мумтоз адабиётининг машҳур намояндаси, туркий тасаввуф шеърятининг асосчиси, ўзбек адабиётида ҳикматнавислик анъанасининг бошловчисидир. Асрлар мобайнида барча туркий халқларнинг маданий ҳаётида ўчмас из қолдирган, маънавий ҳаётида беқиёс ўрин тутадиган муршиди комил сифатида жаҳон адабиётшунослигида ҳам Аҳмад Яссавий номи, таълимоти ҳамда ҳикматлари маълум ва машҳур. 2016 йилда ЮНЕСКО Бош конференциясининг Аҳмад Яссавий вафотининг 850 йиллигини кенг нишонлаш ҳақида чиқарган қарори ҳам фикримизни яна бир қарра тасдиқлайди¹.

Истиқлол шарофати билан миллий меросимиз, жумладан, буюк аждодларимиз қаламларига мансуб бой адабий-илмий меросни янада кенг қўламда тадқиқ этиш имконияти пайдо бўлганлиги Хожа Аҳмад Яссавий ижодиётини туркий тасаввуф шеърятини бошлаб берган улкан ижодкор сифатида соф адабиётшунослик нуқтаи назаридан мутлақо янгидан тадқиқ этишга йўл очиб берди. Аҳмад Яссавий тариқати ва шеъряти туркий халқлар адабиёти, маданияти, умуман, маънавий ҳаётига беқиёс ижобий таъсир кўрсатганлиги учун ҳам «ҳар биримиз Хожа Аҳмад Яссавий номини тилга олар эканмиз, алоҳида ғурурни ҳис этамиз. Унинг фаолияти донолик ва адолат мезони бўлиб, Туркистондаги барча халқларни бирлаштириб, жипслаштириб турибди»². Шу боисдан ҳам Аҳмад Яссавий асос солган ҳикматнавислик анъанасининг ўзбек адабиёти тарихидаги ўрни ва аҳамиятини кўрсатиб бериш миллий бадий тафаккур ривожининг етакчи тамойилларини аниқлаш имконини беради. Зеро, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам ижтимоий соҳани, жумладан, илм-фан, адабиёт, санъат соҳаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланган³.

Жаҳон адабиётшунослигида тасаввуф адабиётининг Шарқ халқлари адабиётларида тутган мавқеи, инсон маънавий камолотини таъминлашдаги маърифий-эстетик ва тарбиявий аҳамияти, хусусан, Яссавий тариқати ва шеърятининг туркий халқлар адабиётига таъсири жаҳоншумул аҳамиятга эга эканлиги, туркий тасаввуф адабиётининг майдонга келиши, тараққиёти, туркий халқлар адабиётларига ижобий таъсири, Яссавий ва издошлари, ҳикматнавислик анъанаси муаммолари турли аспектларда ўрганилиб, бу борада муайян натижаларга эришилган. Бинобарин, туркий халқлар орасида юзлаб йиллар мобайнида давом этиб келган ҳикматнавислик анъанаси ҳам Яссавийнинг адабиётимиз тарихидан муносиб ўрин эгаллашга, туркий

¹ <http://www.unesco.org.tr/page=15:0:1:english>

² Каримов И. Туркистон умумий уйимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. – Б. 34.

³ Қаранг: “Халқ сўзи” / Тошкент, 2017 йил 8 февраль.

адабиёт тараққиётига улкан улуш қўшган даҳо шоирлар қаторидан жой олишга лойиқ ижодкор эканини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сонли «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2006 йил 25 августдаги ПҚ-451-сонли «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги, 2010 йил 27 январдаги ПҚ-1271-сонли «Баркамол авлод йили» давлат дастури ҳақида»ги, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3074-сонли «Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш марказини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сонли «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши маълум маънода хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи⁴.

Аҳмад Яссавий ва издошларининг ҳаёти, асарлари, фикр-қарашлари бўйича дунёнинг йирик илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, University of Indiana, University of California (АҚШ), Marmara Üniversitesi, Istanbul Üniversitesi, Hacettepe Üniversitesi, Selçuk Üniversitesi, Ankara Üniversitesi, Erciyes Üniversitesi, Başkent Üniversitesi (Туркия), Ahmet Yesevi University (Қозғоғистон), Санкт-Петербург университети, Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институтида (РФ), шунингдек, ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Тошкент давлат Шарқшунослик институти (Ўзбекистон)да илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Яссавийшуносликда кўплаб илмий-тадқиқотлар яратилди, «Девони ҳикмат»нинг турли илмий ва оммабоп нашрлари чоп этилди (Ankara Üniversitesi, Marmara Üniversitesi, Erciyes Üniversitesi, Ahmet Yesevi University). Яссавийнинг туркий халқлар адабиёти ва маънавий ҳаётига кўрсатган таъсири кўрсатилди (Selçuk Üniversitesi, Hacettepe Üniversitesi, Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институти). Яссавий ва унинг издошлари таъсирида XIII асрдан эътиборан Онадўлида диний-маърифий турк адабиёти шаклланиши тасдиқланди (Istanbul Üniversitesi, Başkent

⁴ www.indiana.edu, www.universityofcalifornia.edu, www.nelc.ucla.edu, www.marmara.edu.tr, www.istanbul.edu.tr, www.hacettepe.edu.tr, www.selcuk.edu.tr, www.ankara.edu.tr, www.erciyes.edu.tr, www.baskent.edu.tr, www.ayu.edu.tr, www.spbu.ru, www.ivran.ru, www.ziyonet.uz

Üniversitesi). Яссавий ва «Девони ҳикмат»га доир илмий ишлар амалга оширилиб, Яссавийнинг манқабалари ва макбараси тўғрисидаги мулоҳазалар, ҳикмат намуналаридан таржималар, Яссавийнинг маънавий нуфузи, таъсирига доир илмий хулосалар чиқарилди (University of California, University of Indiana, Санкт-Петербург университети). Яссавийликка оид айрим янги топилган манбалар илмий таомилга киритилди (Marmara Üniversitesi, Yıldız Üniversitesi, Anadolu Üniversitesi).

Яссавийшуносликда бугунги кунда яссавийликка доир янги манбаларни илмий истеъмолга киритиш; Аҳмад Яссавий ва издошлари ҳаёти, асарлари ва таълимотининг янги қирраларини аниқлаш; Яссавий мактаби ижодкорлари томонидан давом эттирилган ҳикмат анъанасининг шаклланиш ва тараққиёт жараёнларини асослаш; яссавийлик таълимотининг туркий адабиётда тутган ўрнини белгилаш; Яссавий ва издошларининг туркий халқлар маънавиятига кўрсатган таъсирини аниқлаш сингари устувор йўналишларда илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Яссавий ҳаёти, ижоди, тариқати ва таълимотини ўрганиш унинг тириклигидаёқ бошланган. Бу ўринда, аввало, Сўфий Муҳаммад Донишманднинг «Миръот ул-қулуб», Мавлоно Ўрунг Қўйлоқий томонидан туркийга ўгирилган «Насабнома», Аҳмад Ҳазинийнинг «Жавоҳир ул-аброр» ва «Манбаъ ул-абҳор» каби асарларини қайд этиш жоиз. XIX асрга келиб Ғарб дунёсида ҳам турк, татар, туркман, қозоқ, рус, немис, инглиз, олимлари томонидан бир қанча ишлар бажарилди⁵. Истиклол шарофати билан миллий, маданий, адабий, тарихий ва диний қадриятларимизни тиклаш имконияти яратилганлиги туфайли сўнгги чорак аср мобайнида ўзбек олимларининг Яссавий ҳаёти, ижоди, тариқати ва унинг издошларига бағишланган кўплаб тадқиқот ва мақолалари яратилди ҳамда уларнинг бир қисми хорижда ҳам чоп этилди⁶.

1995 йилда «Ўзбек тасаввуф шеъриятининг шаклланиши ва тараққиёти (ғоявийлик, издошлик, образлар олами)» мавзусига бағишланган тадқиқотда Яссавий ижодий мероси илк маротаба диссертация объекти сифатида тадқиқ этилди⁷. «Девони ҳикмат»нинг ЎзР ФА Шарқшунослик институти ҳамда Ҳамид Сулаймон номидаги собиқ Қўлғамалар институти фондларида сақланаётган қўлёзма ва тошбосма нусхаларини ўрганишга бағишлаб номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинди, 2006 йилда «Девони ҳикмат»

⁵ Мавзу юзасидан қилинган ишлар ҳақида диссертацияда батафсил маълумот берилган.

⁶ Ahmed Yesevi (Hikmetleri). Haz. İbrahim Hakkulov. Çeviren ve sadeleştiren E.S.Toplu. – Ankara: MEB yayınları. 1995. – 330 s; Hamit Gulamoğlu Nigmetov. Yesevi'ye ait bazı seneler. Milletlerarası Ahmed Yesevi Sempozyumu Bildirileri. – Ankara, 1992. – 256 s; Dilaram Nişanova. "Hoca Ahmet Yesevî Hakkında Özbekistandaki Tatvikadlar". Milletlerarası Hoca Ahmet Yesevi Sempozyumu Bildirileri, Kayseri, 1993. – 434 s; Muminov A. Yeseviyye tarikatının doğuşu hakkında, Yedi İklim, Sanat, kültür, edebiyat dergisi. – C. 5, sy. 42. Eylül 1993, s.10-13; Муминов А. Ясауи бастаулары / Сборник статей «Ясауи тағылымы». – Туркестан, 1996. – С. 22-30.

⁷ Ҳаққулов И. Ўзбек тасаввуф шеъриятининг шаклланиши ва тараққиёти (ғоявийлик, издошлик, образлар олами): Филол.фан.д-ри ... дис. – Тошкент, 1999. – 282 б.

қўлёзмалари тавсифланган китоб нашр эттирилди, 2008 йилда Яссавий ҳикматларининг йиғма-қиёсий матнидан намуналар эълон қилинди⁸. 2006 йилда Аҳмад Яссавий ҳикматларининг қўлёзма каталоги чоп этилди⁹. Бироқ сўнгги аср яссавийшунослик тарихига назар солиш амалга оширилган ишлар билан биргаликда бугунги кунда «Девони ҳикмат»нинг ишончли илмий матнини тузиш, Яссавийнинг илмий таржимаи ҳолини яратиш, ҳикматнавислик мактабининг ташаккули ва тараққиёт босқичларини аниқлаш, Яссавий ҳаёту ижодиётини янги топилган манбалар асосида ўрганиш каби бир қатор муҳим илмий изланишлар турганлигини тасдиқлайди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти ФА-Ф8-032 рақамли «15 жилдли ўзбек фольклори ва адабиёти тарихи» мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳа (2007–2011 йй.); ФМ-7-190 рақамли «Ҳазиний ва унинг ижодий мероси» мавзусидаги ёш олимлар фундаментал тадқиқоти (2004–2006 йй.); ФА-Ф1-Г039 рақамли «Алишер Навоий (2 жилдлик) ва Абдулла Қодирий қомусларини яратиш» (2012-2016 йй.) каби илмий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: Яссавийнинг маърифатпарварлик фаолияти, туркий тасаввуф адабиётини шакллантиришдаги тарихий хизматларини белгилаш; «Девони ҳикмат»нинг тил хусусияти, ифода тарзи; туркий адабиётдаги мавқеи ва мумтоз адабиёт тараққиётига таъсирини ҳар томонлама ёритиш; унинг маъно, тимсол, рамз ва истилоҳлардаги ўзига хосликларини кўрсатишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Яссавий ҳаёти, ижоди ва таълимотининг ўрганилиш тарихига назар ташлаш, бу соҳада қилинган ишларни илмий нуқтаи назардан баҳолаш;

Ғарб ва Шарқ адабиётшунослигидаги Аҳмад Яссавий ҳаёти ва ижодига тааллуқли тадқиқотларнинг асосий ютуқ ва янгиликларини умумлаштириб, тегишли ҳулосалар чиқариш;

яссавийликка доир асосий тарихий, тасаввуфий, илмий-адабий манбаларни изчил тадқиқ ва таҳлил этиш ҳамда илмий истеъмолга олиб кириш; уларга таянган ҳолда Яссавий ҳаёти, ижоди ва таълимотига тегишли янгиликларни илмий жамоатчилик эътиборига ҳавола қилиш;

Аҳмад Яссавий ҳаёти ва ижоди ҳамда тариқатига бағишланган хорижда ва юртимизда сақланаётган «Миръот ул-қулуб», «Ҳадиқат ул-орифин», «Жавоҳир ул-аброр», «Манбаъ ул-абҳор», «Жомиъ ул-муршидин», «Хужжат

⁸Ишмухамедова М. «Девони ҳикмат»нинг қўлёзмалари: Филол.фан.номзоди ... дисс. – Тошкент, 1995. – 154 б; Эшмухамедова М. Девони ҳикмат қўлёзмалари. – Тошкент, 2003. – 84 б; Хожа Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат. Йиғма-қиёсий матн. Нашрга тай. Эшмухамедова М. – Тошкент, 2007. – 204 б.

⁹ЎЗР ФА Шарқшунослик институтидаги Хожа Аҳмад Яссавий ҳикматларининг қўлёзма каталоги. – Туркистон, 2006. – 328 б.

ул-аброр», «Ламаҳот мин нафаҳот ил-қудс», «Самарат ул-машойих», «Рисола дар таржимаи Аҳмад Яссавий», «Рисолаи султон Хожа Аҳмад Яссавий» каби илмий, тарихий, манқабавий манбаларни илмий истеъмолга олиб кириш;

Яссавий ҳикматларини «Миръот ул-қулуб», «Ҳадиқат ул-орифин», «Жавоҳир ул-аброр», «Манбаъ ул-абҳор», «Жомиъ ул-муршидин», «Ҳужжат ул-аброр», «Ламаҳот мин нафаҳот ил-қудс», «Самарат ул-машойих» сингари манбалар билан қиёсий аспектда ўрганиш;

ўрганилган бирламчи манбаларга таянган ҳолда Яссавийнинг илмий таржимаи ҳолини яратиш;

Аҳмад Яссавийнинг таржимаи ҳоли, адабий мероси, таълимотига доир асосий маълумотларни яхлит тизимга келтириб, ҳикматларнинг муаллифлик масаласига муайян аниқликлар киритиш;

яссавийлик таълимоти ва ҳикматнавислик анъанасининг юзага келиш, ривожланиш ва тарқалиш тажрибасини ёритиш;

адабий анъанадаги ғоявий-бадиий ўзига хосликнинг умумлашма манзарасини очиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Аҳмад Яссавий ҳаёти, ижоди, таълимоти ва яссавийликка доир илмий, тарихий, адабий ва манқабавий асарлар, «Девони ҳикмат»нинг турли йилларда кўчирилган кўлёзма ва тошбосма нусхалари олинди.

Тадқиқотнинг предметини Аҳмад Яссавий ҳаёти, ижоди, таълимоти ва яссавийликка доир илмий, тарихий, адабий ва манқабавий асарлар тадқиқи ва таҳлили асосида олинган илмий натижалар, Аҳмад Яссавий асос солган ҳикматнавислик анъанасининг ўзбек адабиётидаги тарихий-тадрижий ривожи ва ўрнини кўрсатувчи манба ва адабиётлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда тавсифлаш, таснифлаш, тарихий-қиёсий, қиёсий-типологик, контекстуал ва комплекс таҳлил усулларида фойдаланилди.

Диссертация тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Аҳмад Яссавий туркий адабиётда ҳикматнавислик тажрибасини бошлаб бергани “Девони ҳикмат” ҳикматларининг ўзига хосликлари асосида исботланган;

«Девони ҳикмат»нинг ирфоний маъно, ахлоқий-дидактик моҳияти, уларни ўзига хос бадиий тасвир усуллари асосида акс эттирилганлиги очиб берилган;

Туркий адабиётда ҳикматнавислик мактабининг юзага келиш тарихи ва тараққиёт йўллари аниқланган ҳамда ушбу мактабнинг Ҳаким ота (Сулаймон Боқирғоний), Шайбоний, Убайдий каби вакиллари адабий меросига Яссавий анъаналарининг таъсири қиёсий-типологик нуқтаи назардан кўрсатилган;

Аҳмад Ҳазиний ва Олим Шайхнинг ҳаёти ҳамда илмий фаолияти илк бора яссавийшуносликнинг муҳим манбаси сифатида очиб берилган.

Марказий Осиёда тасаввуф таълимотининг такомил ва унда Аҳмад Яссавий ҳамда издошларининг улкан мавқеи Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асаридаги фикрлар асосида, шунингдек, Яссавийнинг Навоий ижодига таъсири издошликнинг ўзига хос кўриниши сифатида асосланган;

Шайбоний ва Убайдийнинг Яссавийга издошлиги тил халқоналиги, ўзбек мумтоз адабиётида ушбу тил бадиий имкониятларини намоён қилиши улар шеърлятидаги муштаракликлар асосида белгилаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“Девони ҳикмат”нинг Ўзбекистон ва хориж кутубхоналарида сақланаётган бир қанча қўлёзма нусхаларига таяниб илк бора йиғма-қиёсий матн яратилган, луғат ва изоҳлар билан таъминланиб, алоҳида китоб ҳолида нашр қилинган. Бу эса Яссавий ижодиётини оммага имкон қадар тўлиқроқ ва ишончли матн асосида етказишга имкон беради;

“Девони ҳикмат” устидаги изланишлар натижасида янги топилган ҳикмат намуналари ҳам тўплам шаклида китобхонларга тақдим этилган. Ушбу китобда Яссавийнинг 73 ҳикмати биринчи марта нашр қилинган;

Сўфи Муҳаммад Донишманднинг яссавийлик таълимотини акс эттирувчи “Миръот ул-қулуб” рисоласи илк мартаба эълон қилинган;

Яссавийликка доир қадимий манбалар, “Девони ҳикмат”нинг ғоявий-бадиий олами, Яссавий издошларининг адабий мероси илмий жамоатчиликка етказилган;

Яссавийликка доир манбалар ҳамда Яссавий ва издошлари адабий меросини текшириш натижасида чиқарилган илмий хулосалар адабиётшунослик ва тасаввуфшунослик фанларини янги илмий-назарий қарашлар билан бойитган;

Мазкур қарашлар асосида ўзбек адабиёти тарихи ва тасаввуфшуносликка доир дарслик ва қўлланмаларга тегишли тавсия ва кўрсатмалар тақдим этилган;

Илмий иш объекти бўлган асарлардаги комил инсон тимсоли ҳозирги замон ўқувчисининг маънавий-ахлоқий ва эстетик шаклланишида муҳим аҳамиятга эга эканлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги туркий халқлар тарихи, адабиёти, тафаккури ва маънавиятида асрлар мобайнида муҳим ўрин тутиб келган Хожа Аҳмад Яссавий ва издошларининг ҳаёти, шахсияти, ижодиёти ва фикр-қарашларига кенг ўрин берилган яссавийликка доир қимматли манбалар асосида ва адабиётшуносликдаги назарий қарашларга мувофиқ илмий натижа ва хулосалар чиқарилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти диссертацияда ҳикматнавислик анъанаси асосчиси Аҳмад Яссавий ҳаёти ва ижодиёти ўрганилиши, мутасаввиф шоир ижоди, таълимотига доир маълумотлар, адиб фикр-қарашларининг яссавийликка доир бирламчи манбалар асосида тадқиқ ва

тақдим этилиши, Яссавий ҳикматларининг қўлёзма нусхалар ҳамда мазкур асарлар асосида таҳлилга тортилишида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, улардан миллий маънавий, адабий, диний қадриятларимизни тиклашда, ўзбек адабиёти тарихи, ўзбек адабиётшунослиги, Яссавий мактаби шоирлари, диний-дидактик адабиёт, тасаввуфшунослик, яссавийшунослик, миллий истиқлол ғояси каби йўналишларда талаба, магистр ва мутахассислар учун ўқув, услубий қўлланма, дарсликлар тайёрлашда, Яссавий ва издошларининг асарларини оммага етказишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. “Яссавийликка доир манбалар ва “Девони ҳикмат” мавзусида эришилган илмий натижалардан:

Хожа Аҳмад Яссавий ҳамда унинг издошлари ҳаёти, ижодиёти ва таъсирлари бўйича Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида 2007–2011 йилларда бажарилган ФА-Ф8-032 рақамли «15 жилдли ўзбек фольклори ва адабиёти тарихи» мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳада фойдаланилган (Фан ва технологиялар агентлигининг ФТК-03-13/524-сонли маълумотномаси). Ушбу илмий натижалар «Хожа Аҳмад Яссавийнинг ҳаёти, ижоди ва таълимоти», «Девони ҳикмат», унинг ғоя, мазмун ва тил масалалари», «Ҳикматнавислик анъанасининг ўзбек адабиётидаги тараққиёти», «Яссавий ижодининг ўзбек адабиёти намояндалари ижодига таъсири» мавзуларидаги обзор ва персоналия илмий мақолаларининг асосини ташкил қилган;

Яссавийликка доир манбалар юзасидан чиқарган назарий хулосалар ҳамда изланишлар натижасида аниқланган «Девони ҳикмат»нинг янги намуналарига доир умумлашмалардан 8Ф-151 рақамли «Адабиёт энциклопедияси» илмий лойиҳасида фойдаланилган (Фан ва технологиялар агентлигининг ФТК-0313/528-сонли маълумотномаси). “Девони ҳикмат” нашрлари қиёси янги топилган манбалар ва Аҳмад Яссавийнинг муаллифлик масаласига муайян аниқликлар киритиш имконини берган;

Тадқиқот материаллари ва хулосаларидан Наждат Тўсуннинг “Türkistan dervişlerinden yadigar. Orta Asya Türkçesiyle yazılmış tasavvufi eserler” (İstanbul, 2011), “Ahmed Yesevi” (Ankara, 2015), Ҳаёти Биженинг “Hoca Ahmed Yesevi. Divan-ı Hikmet” (Ankara, 2009) ва “Pir-i Türkistan Hoca Ahmed Yesevi” (İstanbul, 2011) монографияларида фойдаланилиши яссавийликка доир мавжуд илмий ва тарихий манбаларга аниқлик киритиш ҳамда Яссавий адабий меросига янгича ёндошиш тамойилларини бошлаб берган. Изланишлар натижасида топилган ҳикматларнинг «Девони ҳикмат» нашрларида тутган ўрни ойдинлаштирилган ҳамда Аҳмад Яссавийнинг ҳаёти, таълим-тарбияси, сайру сулуки ва туркий ёзма адабиёт тараққиётига қўшган ҳиссасини тадқиқ этишга доир янги адабий манбалар илмий муомалага киритилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 14 та илмий-амалий анжуманда, шу жумладан, 20 та халқаро конференцияда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 60 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 1 та монография, 2 та илмий китоб (улардан бири ҳаммуаллифликда), ЎзР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 16 та мақола, жумладан, 12 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 4 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 270 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Хожа Аҳмад Яссавий ҳаёти ва ижодиётининг ўрганилиш тарихи**» деб номланган биринчи бобида Аҳмад Яссавийнинг ҳаёти, ижодиёти ва таълимоти мавзусида юртимизда ҳамда хорижда қилинган илмий тадқиқотлардан баҳс юритилган. Бобнинг «*Ўзбекистонда яссавийшунослик*» деб номланган дастлабки фаслида Яссавийга доир юртимизда амалга оширилган илмий ишларга тўхталинган.

Маълумки, «реакцион ижодкор» сифатида қаралгани учун Яссавий ҳаёти ва ижодиёти ҳам шўро даврида нисбатан жуда оз ва бирёқлама ўрганилган эди. Шундай бўлса-да, Ўзбекистонда А.Саъдий, А.Фитрат, И.Мўминов, Э.Рустамов, О.Усмон, И.Ҳаққулов, Н.Комилов каби олимлар томонидан Яссавий ҳаёти, ижоди ва адабий меросининг у ёки бу қиррасини ёритувчи бир қатор тадқиқотлар амалга оширилди¹⁰. Проф. Абдурауф Фитрат биринчи бўлиб, Яссавий яшаган даврдаги ижтимоий, маънавий муҳит, унинг ҳаёт саҳифалари, яссавийлик тариқатига асос солиши, «Девони ҳикмат»

¹⁰ Саъдий А. Яссавий ким эди? // Инқилоб. – Тошкент, 1922. – №2; Фитрат А. Аҳмад Яссавий // Маориф ва ўқитғучи. – Тошкент, 1927. – № 6,7-8. – Б. 29-35, 39-44; Фитрат А. Яссавий мактаби шоирлари тўғрисида текширишлар // Маориф ва ўқитғучи. – Тошкент, 1928. – № 5-6. – Б. 49-52; Мўминов И. Мирзо Бедилнинг фалсафий қарашлари. – Тошкент: Фан, 1958. – Б. 102; Рустамов Э. Аҳмад Яссавий ҳикматларида тарих ва ҳаёт садоси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1972. – №4. – Б. 21-25; – №5. – Б. 22-28; Ҳаққул И. Навоий азиз билган... // Ёшлик. – Тошкент, 1988. – №4. – Б. 67-72; Комилов Н. Аҳмад Яссавий // Гулхан. – Тошкент, 1990. №11. – Б. 27-28; Усмон О. Ваҳдат шаробин ичдим // Мулоқот. – Тошкент, 1991. – №6. – Б. 51-57.

тарихи, ҳикматларнинг маъно-моҳияти, адабий қиммати, Яссавийга издошлик сингари масалаларни атрофлича ўрганиб чиққан. Яссавийнинг ирфоний ва адабий даражасини юқори баҳолаган Фитрат, унинг илмий ва маърифий даражаси баландлиги ва адабиёт қонун-қоидаларини ҳам яхши билганлигини алоҳида қайд этади. Унингча, Яссавий халқ орасидан чиққан, оддий фуқаро дардини куйлаган ижодкор сифатида эътирофга лойиқдир. Шунингдек, у Яссавий ҳикматларининг туркий тил ривожига хизматлари хусусида мулоҳаза юритиб, уларнинг «Қутадғу билиг»дан бир аср кейин, «Ҳибат ул-хақойиқ» билан бир даврда ёзилгани боис адабиётимиз ва тарихимиз учун муҳим аҳамиятга моликлигини, туркий адабиёт тажрибасида Яссавий мактаби жуда нуфузли ўрин тутиб келганлигига эътиборни қаратади. Ҳақиқатан ҳам Яссавий ҳикматлари йўлида шеър ёзиш ўзбек адабиётида алоҳида бир анъанага айланган эди. Илмий тадқиқотлар эса Яссавий фикр-қарашлари туркий халқларнинг нафақат тасаввуфий адабиётига, балки, маънавий, маданий ва руҳоний ҳаётига ҳам сезиларли таъсир ўтказганлигини кўрсатади.

Шўро даври қатағонларига қарамай, айрим олимлар Яссавий ижодиётини тўғри баҳолашга уринишган. Масалан, А.Саъдий Яссавийнинг туркий халқлар адабиётида тутган ўрнини муносиб баҳолар экан, уни туркий шоирларнинг муршидларидан бири деб ҳисоблайди¹¹, О.Шарафиддинов ва С.Ҳусайн «Яссавий ва Боқирғоний асарларидаги тилнинг соддалиги, ифоданинг равшанлиги ва форма томонидан фольклорга яқин туриши»ни таъкидлайдилар¹². Академик И.Мўминов ҳикматларнинг ўзбек адабиётининг қимматбаҳо ёдгорлиги, муаллифнинг савияси кенг ва чуқур бўлганлигини ёзган¹³. Проф. Э.Рустамов эса Яссавийнинг адабиёт тарихида тутган мавқеини янгича баҳолашга уринади¹⁴. Лекин Яссавийнинг миллий маданият, тил ва адабиёт тарихидаги хизматларини тўғри баҳолаш йўлидаги барча уринишлар шўро мафкураси вакиллари томонидан кескин қораланган эди¹⁵. Аммо хорижда, хусусан, Туркияда яссавийшунослик тўхтаб қолмай давом этган. Ниҳоят, мустақиллик арафасида ва ундан кейин Ўзбекистонда яссавийшунослик соҳасида янги давр бошланди. Яссавий ҳикматларини ўқиб-ўрганиш, нашр этиш ва оммага етказиш бўйича турли ишлар амалга оширилди. «Девони ҳикмат»нинг мустақил нашрлари бирин-кетин ўқувчилар

¹¹ Саъдий А. Ўша мақола.

¹² Шарафиддинов О., Ҳусайн С. Ўзбек адабиёти: Ўн беш йил ичида ўзбек совет адабиёти. – Тошкент, 1939. – Б. 14.

¹³ Мўминов И. Ўша асар. – Б. 36-41.

¹⁴ Рустамов Э. Ўша мақола.

¹⁵ Адабиётшунослик фанининг партиявийлиги ва ғоявийлиги учун // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1973. – №3. – Б. 5; Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. 1-китоб (XVII асргача). – Тошкент, 1976. – Б. 158-159; Каримов Ғ. Қисқача ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент, 1978. – Б. 48-50, 65-71.

ҳукмига ҳавола этилди¹⁶. Вақтли матбуотда Яссавий ҳаёти ва ижодига доир ўнлаб мақола, рисола ва китоб чоп қилинди, илмий тадқиқотлар яратилди¹⁷. Яссавий ва унинг издошларига бағишлаб ўтказилган илмий анжуманлар материаллари асосида тайёрланган мақолалар тўплами нашр этилди¹⁸. Сўнгги йигирма беш йил давомида ўзбек олимларининг Яссавийнинг ҳаёти, ижоди, тариқати ва издошларига бағишланган кўплаб мақола ва тадқиқотлардан бир қанчаси хорижда ҳам эълон қилинди¹⁹. 1995 йил Яссавий ижодий мероси илк

¹⁶ Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. Нашрга тай., сўзбоши ва изоҳлар муал. И.Ҳаққулов. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991. – 256 б; Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат. Нашрга тай. Р.Ашурбой ўғли Абдушукуров. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМБ, 1992. – 208 б; Хожа Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат (Янги топилган намуналар). Нашрга тай. Нодирхон Ҳасан. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004. – 176 б; Хожа Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат. Нашрга тай.: Иброҳим Ҳаққул, Нодирхон Ҳасан. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2006. – 272 б; Аҳмад Яссавий. Сулаймон Боқирғоний. Ҳикматлар куллийтидан. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011.

¹⁷ Бозоров А., Қораев Т. Ҳикматлар куллийтидан // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1992. – № 1. – Б. 3-19; Неъматов Х. Аҳмад Яссавий ҳаётига оид баъзи саналар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1992. – № 2. – Б. 3-6; Қосимов Б. Ҳикматлар шеърятини // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1993. – № 29; Ўрдабекли Б. Яссавий тариқати // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1993. – № 43-44; Даврон Х. Турк машойихининг киборидин... // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1993. – № 37; Алиев А. Тилимиз донишманди // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1993. – № 43-44; Мўминов А. Яссавия: илдиз ва манбалар // Фан ва турмуш. – Тошкент, 1993. – № 9-10. – Б. 18-21; Яссавий ким эди? (Мақолалар ва ҳикматлардан парчалар), тўплаб нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Б.Дўстқораев. – Тошкент: Халқ мероси, 1994; Жабборов Н. Хожа Аҳмад Яссавий – туркий тасаввуфнинг порлоқ қуёши. – Тошкент, 1994; Мўминов А., Жандарбеков З. Яссавия таълимоти вужудга келган муҳит ҳақида янги муҳим манба // Шарқшунослик. – Тошкент, 1994. – № 5. – Б. 82-88; Султон И. Баҳовуддин Нақшбанд абадияти. – Тошкент, 1994. – 88 б; Носиров О. Аҳмад Яссавийнинг диний-ахлоқий қарашлари // Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. – Тошкент, 1995; Туркияда яссавийшунослик. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1999; Тўйчиев У. Аҳмад Яссавий ва ўзбек шеър тузилиши // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1999. – № 2; Ҳасанов Н. Султон Аҳмад Ҳазинийнинг «Жавоҳир ул-аброр мин амвож ил бихор» асари ва унинг яссавийшуносликдаги илмий-тарихий қиммати: Филол.фан.ном. ... дис. – Тошкент, 1999; Каримов Э.Э. Ясавия и Ходжаган Накшбандия: история действительная и вымышленная. – Ташкент: Узбекистан, 2000; Ҳаққул И. Аҳмад Яссавий. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2001; Неъматова Ж. Яссавийлик ва унинг ижтимоий-фалсафий фикр ривожига ўрни: Филол.фан.ном. ... дисс. – Тошкент, 2002; Хажиева М. Хожа Аҳмад Яссавийнинг маънавий-тарбиявий қарашлари: Филол.фан.ном. ... дисс. – Тошкент, 2004; Абдуллаев А. «Девони ҳикмат»да яссавия тариқати ғоялари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2005. – № 6 ва б.

¹⁸ Хожа Аҳмад Яссавий: ҳаёти, ижоди ва анъаналари. Тўпловчи ва нашрга тай.: И.Ҳаққул, Н.Ҳасан ва А.Бектош. – Тошкент: Адабиёт жамғармаси, 2001. – 336 б.

¹⁹ Milletlerarasi Hoca Ahmet Yesevi Sempozyumu Bildirileri, Kayseri 26-29 Mayıs 1993, Erciyes Üniversitesi Yayınları, Kayseri. – 434 б; Muminov A. Yeseviyye tarikatinin doğuşu hakkında. Yedi İklim. Sanat, kültür, edebiyat dergisi. İstanbul, 1993. C. 5, sy. 42. – S. 10-13; Hakkul İ. Ahmed Yesevi. Türk Yurdu. Ahmed-i Yesevi özel sayısı. no: 73, 1993; Ahmed Yesevi. Hikmetler. Haz. Hakkulov İ. Çeviren ve sadeleştiren E.S.Toplu. – Ankara: MEB yayınları 1995. – 330 s; Hasan N. Hazini'nin «Menba'ul-Ebhar fi Riyazi'l-Ebhar» adlı eseri // Tasavvuf İlmi ve Akademik Araştırma Dergisi. – Ankara, 2001. Sy.7. – S. 243-248; Бабаджанов Б. Зикр джаҳр и сама: сакрализация профанного или профанация сакрального? / Подвижники Ислама, культ святых и суфизм в Ср. Азии и на Кавказе. – М., 2003. – С. 237-250; Erkinov A. Une Priyre (munajat) attribue a Ahmad Yasawi. Journal of The History of Sufism, nr: 4, 2003. – P. 279-291; Erkinov A. Die eigenschaften der bucher volkstümlicher verbreitung. Der beispiel des Diwan-ı Hikmat des Ahmad Yasawi. Manuscripta Orientalia. International Journal for Oriental Manuscript Research, Vol. 9, no 3. September, 2003. – P. 48-51; Erkinov A. Prayer

маротаба диссертация объекти сифатида тадқиқ этилди. Яссавий ҳикматлари жамланган тўплам ва мажмуалар каталоглаштирилди. Яссавий ҳикматларининг Ўзбекистондаги бир қанча қўлёзмалари асосида унинг йиғма қиёсий матни эълон қилинди. Шунингдек, Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари марказида сақланаётган Яссавий ҳикматларининг қўлёзма каталоги чоп этилди²⁰. Демак, яссавийшуносликда амалга оширилган мазкур тадқиқотларни четлаб Яссавий ҳаёти, ижоди ва тариқати бўйича эътиборга сазовор бирор иш қилиш қийин. Зеро, ушбу соҳада ўрганилиши ва ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ҳали анча.

Биринчи бобнинг «*Шарқда яссавийшунослик*» номли иккинчи фаслида бир қанча Шарқ мамлакатларида Яссавий мавзусида қилинган илмий ишлар ҳақида баҳс юритилган. Онадўли, Дашти Қипчоқ, Идил-Уралгача бориб етган, асрлар мобайнида бу минтақа халқлари шоирлари учун маънавий озик ва илҳом манбаи бўлиб келган Яссавий фикр-қарашлари туркий халқлар орасида XX аср охирларига келиб ўрганила бошланди. Чунончи, Қозоғистонда Яссавий ва унинг издошларига доир бир қатор оммабоп мақола ва китоблар эълон қилиниб, илмий тадқиқотлар амалга оширилган, илмий-амалий анжуманлар ўтказилиб, «Девони ҳикмат» нашр этилган²¹.

against Fever, Connected with the Name of Khwaga Ahmad Yasawi. Manuscripta Orientalia. International Journal for Oriental Manuscript Research, no 10/2, Helsinki. – S-Pb, 2004. – P. 53-56; Бабаджанов Б. О видах зикра джахр у братств Центральной Азии // Историко-культурные взаимосвязи Ирана и Дашт-и Кипчака в XIII-XVIII вв. – Алматы, 2004. – С. 133-158 и др.

²⁰ Ҳаққулов И. Ўзбек тасаввуф шеърятининг шаклланиши ва тараққиёти (ғоявийлик, издошлик, образлар олами): Филол.фан.д-ри... дисс. – Тошкент, 1995. – 282 б; Ишмухамедова М. «Девони ҳикмат»нинг қўлёзмалари: Филол.фан.ном. ... дисс. – Тошкент, 1995. – 154 б; Эшмухамедова М. Девони ҳикмат қўлёзмалари. – Тошкент, 2006. – 84 б; Шу муаллиф. Девони ҳикмат йиғма қиёсий матни. – Тошкент, 2007. – 204 б.; ЎзР ФА Шарқшунослик институтидаги Хожа Аҳмад Яссавий ҳикматларининг қўлёзма каталоги. – Туркистон, 2006. – 328 б;

²¹ Басенов Т. Мемориальный комплекс Ахмеда Яссави. – Алматы, 1972. – 32 с; Такибаева С. Тайни небесной глазури. – Алматы, 1987. – 120 с; Nurmhammedoglu N. Hoca Ahmed Yesevi türbesi. – Ankara, 1991. – 67 с; Kenzhetatayev D. Hoca Ahmet Yesevi'nin düşünce sistemi, Ankara Üniv., SBE, Doktora Tezi, – Ankara, 2003; Азирет Султан Хожа Ахмет Йасауи. Конилдин айнаси (Мират-ул кулуб). Дайиндаган: Досай Кенжетай Турсинбайулы. – Анкара, Қыркүйек, 2000. – 120 с; Мирхолдорўғли М. Аҳмад Яссавий кароматлари. – Чимкент, 2003; Carmuhammedulı M. Hoca Ahmet Yesevi ve Türkistan. – Ankara, Yeni Avrasya yayınları, 2001; Жандарбеков З. Қўжа Ахмет Ясауи. Жибек йўли. – Алмати, 1993. – № 1-2. – Б. 17-19; Nişanbay A. Qoja Ahmet Yassawidin duniyetanımı men filosofiyası // Bir. – İstanbul, 1995. – № 3. – S. 75-87; Tuyakbayev M. Hoca Ahmed Yesevi kesenesinde yerleşen Muhammed urpakları, Yesevi Tağılımı. Ahmed Yesevi Uluslararası Kazak-Türk Üniversitesi, Hazret Sultan Korik Muzeyi. – Türkistan, 1996. – S. 96-105; Kojayev M. Yesevi'nin üstazı Arslan Bab. – Şimkent, 1997; İbrahimov Ş. Ahmed Yesevi düşünceleri ve tengrilik. I. Uluslararası Hacı Bektaş Veli sempozyumu bildirileri. – Ankara, 2000, 27-29 Nisan. – S. 89-92; Абуов А. Мировоззрение Ходжа Ахмеда Ясауи. – Алматы, 1997. – 196 с; Жандарбек З. Яссавия и этническая история населения Дашти Кипчака / Подвижники Ислама. Культ святых и суфизм в Ср. Азии и на Кавказе. – М., 2003. – С. 326-335; Абдирасилкызы А., Кожа Ахмет Йасауидин акиндик алеми. – Алматы, 2007; Kydyr T. Kazakhstan Milli kütüphanesindeki Süleyman Bakırgani eserinin Kazakhstan'da yayınlanması ve araştırılması, Uluslar arası Hoca Ahmed Yesevi Sempozyumu, 20-21 Şubat 2010, Bağcılar, İstanbul.; Кожа Ахмет Ясауи мураси мен илиминин зерттелу меселелери, Халыкаралык ғылыми-тежирибелік конференция, 30 қыркүйек. – Туркистан, 2008. – 250 с; Кожа Ахмет Ясауи.

Татар ва бошқирд олимларининг Яссавий ва унинг издошлари мавзусидаги изланишлари ҳам эътиборга лойикдир. Уларда Яссавий фикр-қарашларининг татар халқи маънавий ҳаёти ва адабиётига кўрсатган таъсири далиллар асосида ёритилган²². Шунга яқин фикрни Туркменистонда Яссавий мавзусида амалга оширилган тадқиқотлар хусусида ҳам айтиш мумкин²³.

Яссавий ҳаёти, ижоди ва таълимотига бағишлаб Туркияда яратилган тадқиқотлар яссавийшуносликнинг салмоқли саҳифаларини ташкил этади. Шу маънода айниқса, академик М.Ф.Кўпрулуниг «Турк адабиётида илк мутасаввифлар» китоби ҳанузгача ўз илмий қимматини бой бермаганлигини таъкидлаш жоиздир. Унда ёзилишича, Яссавий ва унинг издошлари таъсири остида XIII асрдаёқ Онадўлида диний-маърифий турк адабиёти шаклланган эди. Бу адабиёт Яссавийдан бошлаб Эмрогача ва ундан кейин яқин кунларга

Диуани хикмет (Ақыл китаби) Ред. М.Жармухамедули. – Алматы: Мураттас, 1993. – 260 с; Кожа Ахмет Ясауи. Хикметтер. – Алматы, 1995; Кожа Ахмет Ясауи. Хикметтер (ЮНЕСКО). – Алматы, 2000; Хазирет Султан Ахмет Ясауи. Хикмет. – Алматы: Жалын, 2002; Каратышканова К.Р., Мировоззрение Х.А. Яссави и значение религиозно-суфийских понятий в Дивани Хикмет. – Автореф.дис. ... канд.филол.наук. – Алматы, 2002. – 34 с; Кожа Ахмет Иассауи. Диуани хикмет. Баспага дайын. Д.Серикбайулы. – Алматы, 2001 ва б.

²² Калинин А. Ходжа Ахмад Ясави // Туркестанские ведомости. 1906. – № 126; Сардор А. Хазрати Хожа Ахмад Яссавий // Шўро. – Уфа, 1915. – №24; Togan A.Z.V. Umumi Türk Tarihine Giriş. – İstanbul: Enderun, 1981. – S. 267; ۱۹۲۲جلد ۲ تاتار ادبياتی تاریخی. عزیز ا. رحیم; Усмонов Х. Вклад Кул Гали в развитие Тюркского стиха / Поэт-гуманист Кул Гали. – Казань: 1987. – 178 с; Ахмеров П.Н. Описание печати Ахмеда Ясави. Надписи мечети Ахмеда Ясави / Восточные заметки. Статьи и исследования А.Диваева, П.Ахмерова и Н.Катанова. – Казань, 1896. – С. 3-24; Диваев А. Подлинный текст жалованной грамоты данной Тимуром Туркестанской мечети Хазрята Яссави / ПТКЛА. – Год 2. – 1897. – С. 75-80; Hakimcan F. Ahmed Yesevi ve Orta Çağ İdil boyu edebi dili / Milletlerarası Hoca Ahmed Yesevi Sempozyumu bildirileri. – Kayseri: 26-29 Mayıs 1993; Сибгатуллина А. Ахмад Яссавий хикматларининг татар адабиётига таъсири ҳақида / Хожа Ахмад Яссавий: ҳаёти, ижоди, таъсирлари. – Тошкент, 2001; Татар адабиёти тарихи. – Қозон, 1984. 1-ж. – Б. 126-464 ва б.

²³ Туркман адабиёти тарихи. I жилд. – Ашхабод, 1975. – Б. 56-128; Amanguliyeva G. Hakim Süleyman Ata // Türk Lehçeleri ve Edebiyatı Dergisi, sy.13, Haziran, 1997; «Мадинада Мухаммад, Туркистонда Хожа Ахмад». Нашрга тай. А.Авезов. – М., 1992; Бертельс Е. Литературное прошлое туркменского народа // Совет эдебияти. – Ашхабат, 1944. – № 9-10. – С. 144, 193-194; Агаджанов С. Очерки истории огузов и туркмен Средней Азии IX-XII вв. – Ашхабад: Ылым, 1969 – 295 с; Geldiyev G. Hoca Ahmed Yesevi ve XVIII-XIX asır Türkmen şiiri / Milletlerarası Hoca Ahmet Yesevi Sempozyumu Bildirileri. 26-29 Mayıs 1993. – Kayseri: Erciyes Üniversitesi Yayınları. – S. 142; Самойлович А. Материалы по Среднеазиатско-турецкой литературе. II-III. – С. 127-153 (Стихи Давлат-Мухаммеда Молла отца Махтумкули) // ЗВОРАО. Т. XXII (1913-14). – Петроград, 1915. – С. 146-147; Самойлович А. Махтум-Кули и Хаким-Ата // Туркменоведение. – 1929. – № 12. – С. 28-29; Самойлович А. Очерки по истории туркменской литературы / Туркмения. Вып. (том) 1. – М., 1929. – С. 136,186; Geldiyev G. Türkmenistan'da Hoca Ahmed Yesevi'nin araştırılması / Hoca Ahmed Yesevi: hayatı, eserleri, tesirleri. – İstanbul, 1996; Хаджиева О. Влияние суфизма на творчество Махтумкули; Ахметзянов М. Письменные источники по истории суфизма у татарского народа / Суфизм в Иране и Центральной Азии. Материалы международной конференции 2-3 мая 2006 г. – Алматы, 2007. – С. 266-277; Mahdum A. Mahdumkulu Feragi ve tasavvuf / Türk dünyası araştırmaları. – İstanbul, Aralık, 2003. Sy. 147. – S. 205-220; Mahmedov A., Kazak Y. Türkmen şiiri / Türkmenistan'da toplum ve kültür (derleyen: B.Ersanlı ve O.Akaev). – Ankara., 1998. – S. 67; Akgül Y. Hoca Ahmet Yesevi'nin Hazar ötesi Türkmenlerine tesiri ve bu çerçevede bazı tespitler / Bilig, 8 / Kış, 1999. – S. 48.

қадар давом этиб келган²⁴. Кўпрулу бошлаб берган яссавийшунослик ишлари анча танаффусдан сўнг яна ривож топди²⁵.

Яссавий мавзуси Европа олимларини ҳам жиддий қизиқтирган. Бобнинг «*Ғарбда яссавийшунослик*» номли учинчи фаслида АҚШ ва Европа олимлари амалга оширган тадқиқотларга махсус ўрин ажратилди. Хусусан, XIX асрдан эътиборан бир қатор немис, инглиз, венгер ва рус шарқшунослари Яссавий ва яссавийлик мавзусини тадқиқ этишга киришдилар. Уларни бир неча гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳни китоб, қомус, библиографик луғат ва каталогларда берилган Яссавий ва «Девони ҳикмат»га доир турли савиядаги таъриф-у маълумотлар ташкил этади²⁶. Иккинчиси, Яссавий ҳаёти, манқабалари ва макбараси тўғрисидаги фикр-мулоҳазалардан иборат²⁷. Яссавийнинг ижод намуналарини ҳам

²⁴ Köprülü. Ўша асар. – Б. 234, 239, 355-357; Gibb E. A History of Ottoman Poetry. – London, 1958, – P. 169; Tahrālī M. Yunus Emre'nin şiirlerinde tasavvufi mefhumlar akisleri / Kubbealtı Akademik Mecmuası. – İstanbul, 1992/1. – S. 13; Ғарбузова В. Турк адабиёти классиклари. – Тошкент, 1960. – Б. 22; Coşan E. Hacı Bektaş-i Veli. Makalat. – Ankara, 1971. – S. XXXVI; Banarlı N. Resimli Türk edebiyatı. – C. 1. – İstanbul, 1972. – S. 335; Yılmaz A. Ahmed Yesevi'nin hikmetleri ile Yunus Emre'nin şiirlerinde tasavvufi muhteva benzerlikleri // Diyanet İlmi Dergisi. – İstanbul, 1993. – C. 29. – Sy. 4. Ocak A.Y. Türk Sufiliğine Bakışlar. – İstanbul, 1999. – S. 132-133; Yunus Emre. Divan ve Risaletu'n-nushiyye. Haz. M.Tatçı. – Ankara, 2004. – S. 14-15; Akarpınar B. Divan-i Hikmet ve etkileri / Türk Edebiyatı Tarihi. – İstanbul, 2006. – S. 211-217.

²⁵ Baran Ş. Ahmet Yesevi'nin hayatı, eserleri ve eserlerindeki bilgi meselesi. Selçuk Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü (SBE), Yüksek Lisans Tezi (YLT). – Konya, 1990; Türkyılmaz B. Ahmet Yesevi'nin şahıslar dünyası. – Dicle Üniv., SBE, YLT. – Diyarbakır, 1998; Şimşek M. Yesevilik ve Anadolu'nun Türkleşmesinde Yesevi dervişlerin rolü. – Sakarya Üniv.. SBE, YLT. 2005; Atmaca A. Ahmet Yesevi'nin inanç ve düşünce dünyası. Cumhuriyet Üniv. SBE, YLT. 2008; Barkan Ö.L. Kolonizator Türk dervişleri. – İstanbul, (senesiz). – 55 s; Anadolu C. Pir-i Türkistan Hoca Ahmed Yesevi ve Yesevilik. – İstanbul, 1994. – 123 s; Ekinci Y. Hoca Ahmet Yesevi. – Ankara, 1995. – 157 s; Ahmed-i Yesevi: hayatı, eserleri, fikirleri, tesirleri. Haz. Şeker M., Yılmaz N. – İstanbul, 1996. – 604 s; Cunbur M. Anadolu'nun bütünleşmesinde Ahmed Yesevi'nin yeri. – Ankara, 1997; Develi H. Ahmed Yesevi. – İstanbul, 1999. – 168 s; – Yesevilik bilgisi. Haz. C.Kurnaz, M.Tatçı. – Ankara, 2000. – 655 s; Eraslan K. Ahmed Yesevi / İslam Ansiklopedisi. TDV. – C. 2. – İstanbul, 1989. – S. 159-161; Akar M. Osmanlılarda Yesevilik // Bir, Sy. 1, – 1994. – S. 11-17; Canım R. Pir-ı Türkistan Hoca Ahmed Yesevi'de tasavvuf düşüncesi // Bilig. – Sy. 1, Bahar, 1996. – S. 9-12; Tosun N. Yeseviliğin ilk dönemine ait bir risale: Mir'at ul kulub // İLAM Araştırma Dergisi. II/2. – İstanbul, 1997. – S. 41-84; Tosun N. Ahmed Yesevinin menakibi // İLAM Araştırma Dergisi. – III/1. – İstanbul, 1998. – S. 73-81; Tosun N. Yesevilik'te Zikr-i Erre // Keşkül. – Sy. 6, – İstanbul, 2005; Hoca Ahmed Yesevi. Divan-i Hikmet. Haz. Y.Azman. – İstanbul, 1994. – 373 s.

²⁶ Melioransky P. Ahmad Yasawi / Encyclopedie de l'Islam. – Tome I. – A-D. – Leyde-Paris, 1913. – P. 208-209; Ahmad Yasavi. Dictionary of Oriental Literatures. Gen. editor J.Prušek. Vol. III. – London (sanasiz). – P. 196; Ахмед Ясави / Большая Советская Энциклопедия. – Т. 2. – М., 1970. – С. 1372; Blochet E. Catalogue des manuscrits Turcs. – T. II. – Paris, 1933. – Nr: 1191; A history of Ottoman poetry. By E.Gibb. Vol.I. – London, 1958. – P. 169; Hofmann H.F. Turkish Literature. A bibliographical survey. – Section III. Moslim Central Asian Turkish literature. Part I. Vol.6. – Utrecht, 1969. – P. 110-128; Дмитриева Л.В. Описание тюркских рукописей института Востоковедения. III. – М., 1980. – С. 17-27; Histoire Generale. Du Ve siecle a nos jours, p. 964, 967; Von Martin Hartmann. Die Osstürkischen Handschriften Der Sammlung Hartmann. – Berlin, 1904. – S. 10, 15, 21.

²⁷ Лерха П. Археологическая поездка в Туркестанский край в 1867 г. – С.Пб., 1870. – С. IX, 15-16; Маллицкий Н. Хазрет Султан (Ходжа Ахмад Ясави, Султан ал-Арифин, туркестанский мистик и святой 12 столетия) / Туркестанские ведомости. 1906. – № 125; Веселовский Н.

аслиятда, ҳам таржимада нашр эттирган олимлар Яссавий таълимотини Европа илмий жамоатчилигига яқиндан танитиб, ҳикматлар устида баҳс юритишган²⁸. Бир қанча рус олимлари эса Яссавий билан бир қаторда Сулаймон Боқирғонийнинг шахсияти ва ижод намуналарини ҳам ўрганишган²⁹.

Ушбу тадқиқотлардан нафақат Яссавий ҳикматлари ва таълимоти, балки ўтмишда унинг мақбараси ҳам сиёсий, ижтимоий ва маънавий аҳамиятга молик бир марказ вазифасини бажариб келганлигини билишимиз мумкин. Амалга оширилган ишлар, Яссавий мавзуси дастлаб эркин бир тарзда тадқиқ этилган бўлса, шўро даврига келиб улуғ шайх ва унинг ижодий мероси танқидга учраганлигини тасдиқлайди.

Экспедиция в г. Туркестан для снятия планов и зарисовки в красках местной мечети // Изв.Русс.Комитета для изучения Сред. и Вост. Азии в ист., арх., линг., и этнографическом отношениях. – С.Пб., 1906. – № 6. – С. 23-26; Маллицкий С. Историко-архитектурное значение мечети Хазрета Яссавийского в г. Туркестане / Протоколы и сообщения Туркестанского кружка любителей археологии. Выпуск XII. – Ташкент, 1907. – С. 6-29; Новицкий Ю. Ходжа Султан Ахмед Ясави (киргизская легенда) // Туркестанские ведомости. – 17 февраля 1912 г.; Умняков И. Архитектурные памятники Средней Азии. – Ташкент, 1929. – С. 30-32; Массон М.Е. Мавзолей Ходжа Ахмад Яссави. – Ташкент, 1930. – С. 18-21; Гордлевский В.А. Ходжа Ахмед Ясеви / Избранные сочинения. Т. 3. – М., 1962. – С. 361-368; Маньковская Л. К изучению приемов среднеазиатского зодчества конца XIV в. (Мавзолей Ахмеда Ясеви) / Искусство зодчих Узбекистана. – Ташкент, 1962. – С. 93-142.

²⁸ Vambery H. Cagataische Sprach-Studien. Philo Press. Amsterdam: Neudruck 1975. Der Ausgabe Leipzig, 1867 (Choga Ahmed Jesewi. Hikmet, - S. 115-123); Лыкошин Н.С. Премудрость Хазрет Султана Арифин Ходжа Ахмада Яссави (перевод с тюркского) / Поль жизни в Туркестане. – Петроград, 1916. – С. 166-187; Гаррицкий А. Из предисловия к «Премудрости» Шейха Ходжи Ахмеда Есавийского / Сборник Туркестанского Восточного института в честь проф. А.Э.Шмидта. – Ташкент, 1923. – С. 35-40; Пашино П. Туркестанский край в 1866 г. Путевые заметки / Туркестанский сборник. Т. XIV. 1868. – С.Пб., 1869; Schuyler E. Turkistan: Notes of a Journey in Russian Turkistan, Khokand, Bukhara and Kuldja. – New York, 1876. – P. 69-70; Joseph T. XIV asır sonuna kadar Türk dili yadigarları / Milli Tettebbular Mecmuası. II/4 (Eylül, 1331) – İstanbul, 1912; Brockelmann C. Alis Qissai Jusuf. – Berlin, 1917; Menzel Th. Die Aeltesten Turkischen Mystiker. Zeitschr. der Deutsch. Morg. Ges. – Leipzig: T. 79, 1925. – S. 269-289; Семенов А. Мечеть Ходжи Ахмеда Есавийского в г. Туркестане / Известия Среднеазиатского комитета по делам музеев, охраны памятников старины, искусства и природы. Средазкомстарис. Выпуск 1. – Ташкент, 1926. – С. 121-130; Боровков А. Очерки по истории узбекского языка (Определение языка хикматов Ахмада Ясеви) / Советское востоковедение. – Т. V. – М., 1948. – С. 229-250; Бартольд В. Сочинения. – Т. V. – М., 1968. – С. 117-609; Самойлович А. Ўша мақолалар; Бертельс Е. Ўша мақола; Ахмад Яссави. Духовные стихи / Перевод А.Адалис / Библиотека всемирной литературы. – Серия первая. Т. 55/Поэзия народов СССР IV-XVIII веков. – М., 1972. – С. 147-148; Демидов С. Суфизм в Туркмении. – Ашхабад, 1978.

²⁹ Малов Е. Ахыр заман китаби. Мухаммеданские учение о кончине мира / Известия Общества археологии, истории и этнографии при Казанском университете. – Казань, 1897. XIV; Залеман К. Легенда про Хаким-Ата / Известия императорской Академии Наук. Серия 5. Т.9. №2. – С-Пб, 1898; Комаров П.А. Ходжа Хаким Сулейман Бақыргани / Протоколы заседаний и сообщения членов Туркестанского кружка любителей археологии. Год 6-ой. – Ташкент, 1901; Бартольд В. К вопросу о родине Хаким-Ата / Хаким-Ата. Сочинения. Т. 2. – М., 1964; Демидов С. Ўша асар.

XX аср охирига келиб эса Яссавий ҳаёти, тариқати ва адабий фаолиятини ўрганиш тамойиллари бирмунча кучайди³⁰. Бу ўринда Д.ДиУиснинг қўлга киритган илмий натижаларини эслатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир³¹. Шундай қилиб, Яссавий ва яссавийлик мавзуси ғарб олимлари томонидан у ёки бу савияда ўрганилган. Улардан айримлари маълумот бериш билан кифояланган бўлсалар, баъзилари мавзунини нисбатан кенгроқ ёритиш,

³⁰ Melikoff I. Ahmed Yesevi. *Turkic Popular Islam / Utrendt Papen on Central Asia: Proceedings of the first European Seminar on Central Asian Studies Hold at Utrecht, 1987 (Utrecht Turkological series) Index Islamicus.* – P. 83-94; Bennigsen A. C. *Le Mercier-Quelquejay. Sufi ve Kommiser. Rusya'da Islam Tarikatları. Tercüme eden O. Tüner.* – İstanbul, 1988; Zarccone T. *Hindistan'da Türk Tasavvufu: Yeseviyye örneği // Dergah, IV, 38, Nisan 1993.* – S. 19-20; Alanyalı M.R. *Menkibeler içinde Ahmed Yesevi / Folklor Araştırmaları Kurumu, Romanya Kültür Bakanlığı ile birlikte düzenlenen Türk-Romen ilişkileri konulu sempozyum.* – Kostence, 1993; Baubek H. *Ahmed Yesevi Bibliografyası. Ўша анжуман; Chmielowska D. Ahmed Yesevi Polonya'da nasıl tanınıyor; Masala A. Ahmed Yesevi ve Eski İtalyan Mistiği arasındaki paralellik; Munteanu L. Ahmed Yesevi ve Mistik Ölüm meselesi / Folklor Araştırmaları Kurumu. KKTC Kültür Bakanlığı ile ortaklaşa düzenlenen 6. Uluslararası Ahmed Yesevi ve Türk Halk Edebiyatı Semineri (7-10 Mayıs 1993. – Lefkoşe); Visintainer E. *Elementi sciamanici e mistici in Ahmad Yassawi. Università 'Degli Studi Di Venezia', Anno Accademico 1998; Пылев А.И. Ходжа Ахмад Йасаи – первый тюркский суфийский поэт Средней Азии (жизнь и творчество): Дисс... канд. филол. наук. – С.Пб., 2001; Fletcher J. Central Asian Sufism and Ma Ming-Hsin's new teaching. From Proceedings of the Fourth East Asian Altaistic Conference, ed. Ch'en Chien-hsien. – Taipei, 1971; Fletcher J. The Naqshbandiyya and the Dhikr-i Arra // Journal of Turkish Studies. – Vol.I. – Cambridge, 1977. – P. 113-119; Bodrogligeti A. The Impact of Ahmad Yasavi's teaching on the cultural and political life of the Turks of Central Asia // Türk Dili Araştırmaları yaylığı. Belleten. 1987'den ayrı basım. – S. 35-41; Bodrogligeti A. Yasavi Ideology in Muhammad Shaybani Khan's vision of an Uzbek Islamic Empire // Journal of Turkish Studies (Annemarie Schimmel Festschrift). XVIII 1994. – S. 41-57; Bodrogligeti A. The Understanding and Interpretation of Ahmad Yasavi's Divan-i Hikmat / Ural-Altaic Yearbook. 58 (1986). – P. 127-138; Bodrogligeti A. Ahmad Yasavi's concept of «Daftar-i Sani» // Milletlerarası Ahmed Yesevi Sempozyumu Bildirileri. 26-27 Eylül 1991. – Ankara, 1992. – S. 1-11 va 6.**

³¹ DeWeese D. *Yasavian Legends on the Islamization of Turkistan // Aspects of Altaic Civilization. III. Proceeding of the Thirtieth Meeting of the Permanent International Altaistic Conference. Indiana University, June 19-25, 1987. Edit. D. Sinor. Bloomington. – Indiana. 1990, Pp. 1-19; DeWeese. A neglected source on Central Asian history: The 17th-century Yasavi hagiography Manaḡib al-akhyar // Essays on Uzbek History, Culture and Language. Edit. B.Nazarov and D.Sinor with D.DeWeese. Indiana University, Bloomington. – Indiana, 1993, pp. 38-50; DeWeese. Yasavi Shayhs in the Timurid era: notes on the social and political role of communal sufi affiliations in the 14th and 15th century // Oriento Moderno. Vol. I. 15, 1996. no. 2. Pp 173-188; DeWeese. The Mashaikh-i Turk and the Khojagan: rethinking the links between the Yasavi and Naqshbandi sufi traditions // Journal of Islamic Studies, 7:2 (1996), pp. 180-207; DeWeese. The Yasavi order and Persian Hagiography in seventeenth-century Central Asia: Alim Shaykh of Aliyabad and his Lamahat min nafahat al-quds // The Heritage of Sufism. Vol III, Oxford, 1999. – P. 389-414; De Weese. The Politics of sacred lineages in 19th-century Central Asia: Descent groups linked to Kwaja Ahmad Yasavi in shrine documents and genealogical charters // Middle East Studies, 31 (1999) pp. 507-530; DeWeese. Sacred Places and 'Public' Narratives: The Shrine of Ahmad Yasavi in Hagiographical Traditions of the Yasavi Sufi Order, 16th-17th Centuries // Muslim Word, 90/3-4 (Fall 2000), Pp. 353-376; DeWeese. Ahmad Yasavi and the Dog-Men: Narratives of Hero and Saint at the Frontier of Orality and Textuality. Theoretical Approaches to the Transmission and Edition of Oriental Manuscripts. Proceedings of a symposium held in İstanbul. March 28-30, 2001. Edited by J.Pfeiffer, M.Kropp. – Beirut, 2007. – P. 147-173; Д.Диу. Ахмад Йасаи / Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. Вып. 4. М., 2003. – Стр. 8-12;*

Яссавий меросини илмий муҳит ва маҳаллий халққа таништиришга уринишган.

Яссавийнинг ҳаёти, илм-маърифат ва маънавият йўлидаги тарихий хизматларини тўғри ёритиш учун, энг аввало, унга бағишланган қадимий манбалар билан танишиш зарурдир. Шунинг учун диссертациянинг **«Яссавийликка доир манбалар»** деб номланган иккинчи бобида Яссавийнинг ҳаёти, ҳикматлари, тариқати, фикр-қарашлари баёнига доир «Миръот ул-қулуб», «Насабнома», «Рисола дар таржимаи Аҳмад Яссавий», «Ҳадиқат ул-орифин», «Жавоҳир ул-аброр», «Манбаъ ул-абҳор», «Жомиъ ул-муршидин», «Хужжат ул-аброр», «Ламаҳот мин нафаҳот ил-қудс», «Самарат ул-машойих» каби тарихий, маноқибий характердаги асарлар тадқиқ этилди. Сўфий Муҳаммад Донишманднинг «Миръот ул-қулуб» асари Яссавий ҳақида бирламчи қадимий манба бўлиб, у шайх яшаган даврга нисбатан яқин вақтда яратилганлиги билан эътиборга моликдир³². Чунки, биринчидан, Сўфий Донишманд Яссавийнинг яқин халифаларидан бўлган бўлса, иккинчидан, у Шариат (оташ), Тариқат (муҳаббат) ва Ҳақиқат (шавк) мавзуларига бағишланган бу асарида Яссавийнинг тасаввуф масалаларига доир қимматли фикрларини нақл қилади. Масалан, унда улуғ шайхнинг Ҳақ висолига етиш учун солиқлар Мавло буюрган мазкур уч йўлни босиб ўтишлари кераклигига доир сўзлари келтирилган³³. Шунингдек, унда ҳақиқат ва тариқат мақомлари, маъно, басират, сабр, таваккул каби масалаларга доир Яссавий фикрлари нақл этилган. Рисолада «Фақрнома»даги шайхларга доир қисмнинг мавжудлигини унинг Яссавийга тегишли эканлигини кўрсатувчи муҳим бир далил, дейиш мумкин. Хуллас, «Миръот ул-қулуб» Яссавийнинг шариат ва тариқатдаги йўли, ишқий-ирфоний тушунчалари баёнига бағишланган муҳим асарлардан биридир.

Мавлоно Сафийиддин Ўрунг Қўйлоқий Яссавийнинг ҳам замондоши, ҳам қариндоши бўлиб, ундан мерос қолган «Насабнома» ҳижрий 540, милодий 1146 йил арабчадан туркийга ўгирилган³⁴. Унда, аввало, Яссавийнинг отаси, қариндош-уруғи, наслу насаби ҳақида маълумот берилган. Асарда Имом Муҳаммад Ҳанафийдан Исҳоқбоб ва укаси Абдулжалилбобга қадар давом этган силсила тавсифланган. Китобдан Яссавий тасаввуфий фикр-қарашларининг ўрин олиши унинг аҳамиятини кучайтиради³⁵. Рисоланинг бошқа бир нусхасида Яссавий ва Арслонбоб орасидаги илк учрашув, Яссавийнинг Ҳамадонийдан таълим олиши, хуми ишқ қиссаси, ўғли Иброҳимнинг суйри халқи томонидан қатл қилиниши, муридлари билан муомала-муносабати, кашф-у кароматлар, шайхнинг

³² Асарнинг бир нусхаси Уппсала кутубхонасида (Universitätsbibliothek. – №472. 1586-177a), иккинчи нусхаси Тошкентда (Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари маркази. – № 3004) сақланади.

³³ Ўша асар, 159 б.

³⁴ Mevlana Safiyud'din. Neseb-name tercümesi, haz. Eraslan K. – İstanbul, 1996.

³⁵ «Neseb-name». – 98-101-қаторлар.

хилватга кириши ва вафоти баён этилган³⁶. Айрим тарихий воқеалар ва «Насабнома»да Яссавий шажарасининг берилиши, унинг милодий 1146 йил, яъни Пири Туркистон ҳаётлик чоғида таржима қилинганлигидан далолат беради.

XIII аср охири ва XIV аср бошида «алломаи Сифноқ» номи билан шуҳрат топган Имом Ҳусомиддин Сифноқий форсийда ёзган «Рисола дар таржимаи Аҳмад Яссавий»ни ҳам назардан четда қолдириб бўлмайди³⁷. Унинг ҳажми унча катта бўлмаса-да, ўзидан кейин ёзилган яссавийлик мавзусидаги бир қанча асарлар учун у бир манба вазифасини ўтаган. Жумладан, «Ламаҳот» ва «Хужжат уз-зокирин» номли асарларда ундан нақллар келтирилган. Бизнинг назаримизда, Яссавий ҳақидаги оғзаки маълумотлар дастлаб шу рисолада баён этилган. Яссавийнинг кашфу кароматлари ифодасига унда ҳам ўрин ажратилган бўлиб, Хожа Аҳмаднинг Ревгарий билан учрашуви баёни эса янги бир маълумотдир. Яссавийликка доир манбаларда учрайдиган ҳуққа ҳодисасининг илк бора шу рисолада нақл этилганлиги ҳам диққатга моликдир. Бундан ташқари, ундан ўрин олган Хожа Аҳмаднинг Каъбатуллоҳдаги ҳаёти, муршидлик салоҳияти, ов лочини билан боғлиқ нақлларни ҳам Яссавийга доир янгилик сифатида эътироф этиш мумкин. Рисоладаги айрим фикр ва таъкидларнинг «Девони ҳикмат»даги сўз ва ифодалар билан мутаносиб келиши («Ҳою ҳавас, моуманлик турмай кўчти, ўн иккимда бу сирларни кўрдим мано» каби³⁸) муаллифнинг «Девони ҳикмат»нинг қадимий нусхаларидан яхши хабардор бўлганлигини тасдиқлайди, деб ўйлаймиз.

Яссавийшуносликдаги мўътабар манбалардан навбатдагиси «Ҳадиқат ул-орифин» китобидир³⁹. Яссавий авлодларидан Хожа Исҳоқ (XIV аср) ёзган бу асарнинг муҳим хусусиятларидан бири, ундан Яссавийнинг тасаввуфий фикр ва тушунчаларининг ўрин олганлигидир. Ўн беш бобдан иборат бу асарда зикр ва самоъ, хизмат ва иродат, ирфон ва муҳаббат, сидқ ва маърифат сингари масалалар талқин қилинган. Муаллиф Яссавий ва издошларининг ҳаёт ҳикоялари билан бир қаторда падари бузруквори Исмоил отанинг манқабаларига ҳам етарли даражада ўрин ажратган. Хуллас, Алишер Навоий эҳтиром билан тилга олган ва жаҳонгир Амир Темур қабри устида мақбара қурдирган Исмоил отага бағишланган «Ҳадиқат ул-орифин» асари ўзига хос мазмун-моҳиятга эга қимматли бир манбадир.

Яссавий номи билан боғлиқ ва ҳанузгача махсус ўрганилмаган асарлардан яна бири муаллифи номаълум «Рисолаи султон Хожа Аҳмад

³⁶ Аҳмад Яссавий аجدодлари шажараси, Аҳмад Яссавий ва Амир Темур. Учинчи рисоладан, табдил қилувчи ва нашрга тайёрлаган Расулмуҳаммад хожи Абдушукуров Ашурбой ўғли. – Тошкент, 1996.

³⁷ Имом Ҳусомиддин Сифноқий. Рисола дар таржимаи Аҳмад Яссавий. Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари маркази. №11084 (116-14а).

³⁸ Хожа Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат. – Тошкент, 2006. 3-ҳикмат.

³⁹ Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари маркази. №11838 (в.1б-131а).

Яссавий»дир⁴⁰. Яссавийга нисбат берилган бу рисолада тариқат одоби, ҳақиқат ва маърифат мақомлари, фақр ва дарвешлик талабларига ўхшаш тасаввуфнинг биринчи даражали масалалари ёритилган⁴¹. Уни «Фақрнома» ва Ҳазинийнинг «Жавоҳир ул-аброр»и билан қиёслаганда, ўзаро ўхшаш ва яқин жиҳатлар ҳам аниқ кўзга ташланади. Тузилиш жиҳатидан ҳам рисолада «Фақрнома» билан монандлик мавжуд. Ҳикматлар талқинида ундан фойдаланиш ҳар қандай тадқиқотчини тахминий ва асоси бўш мулоҳазалардан сақлайди.

Яссавийшуносликнинг бир чўққиси дейиш жоиз бўлган асарлар муаллифи XVI асрда яшаб ижод қилган мутасаввиф Султон Аҳмад Ҳазинийдир. У 1586 йил Истанбулда ёзган «Манбаъ ул-абҳор фи риёз ил-аброр» номли китобида, аввало, Яссавийнинг таржимаи ҳоли, тариқатчилик фаолияти, шеъриятда янги бир йўл ва анъанани жорий қилганлиги, Яссавийга издошлик каби мавзулардан шавқ билан баҳс юритган⁴². Китобдаги насрий баён ва шарҳлар Яссавийнинг шахси ва маънавий оламини янада чуқурроқ билишга яқиндан ёрдам беради. Асарнинг эътиборли жиҳатларидан биринчиси, назаримизда, яссавия ва нақшбандия тариқатларининг ўзаро яқинлиги, моҳиятан ўхшаш хусусиятларга эга тариқатлар сифатида тавсифланиши бўлса, иккинчиси, тайфурия, кубравия, нақшбандия тариқатларининг вакилларига доир маълумотларнинг берилишидир. Хуллас, «Манбаъ ул-абҳор» яссавия ва нақшбандия тариқатларининг тарихи ва тараққиёт йўллари ҳолис ўрганиш жиҳатидан ҳам қимматли асардир.

Ҳазинийнинг яссавийликдан махсус баҳс юритган яна бир китоби 1594 йил форсийда ёзилган «Жомий ул-муршидин» бўлиб⁴³, 2391 байтдан ортиқ шеър ва насрий парчалардан таркиб топган. Муаллиф Яссавий ва издошлари тўғрисида сўз юритганда, уларнинг ҳикматлари сермазмун ва ҳаётий ўғитлар билан бойлиги, ўзига хос рамзий-мажозий тимсол ҳамда истилоҳлардан улар самарали фойдаланганликлари хусусида тўхталади.

Ҳазинийнинг бирон-бир асари маъно-моҳият эътибори билан унинг «Жавоҳир ул-аброр мин амвож ил-биҳор» китобига тенг келолмайди. Бу асарда Яссавийнинг шайхлик тажрибаси, кашф-у кароматлари, комил муридларни тарбиялаш йўлидаги ранжу риёзатлари, яссавийлик тариқатининг одобу аркони ифодасига кенг ўрин берилган. Ундаги фақру фано, макон, замон, ихвон, рабти султон каби масалаларга доир фикр-мулоҳазалар, маънонинг аниқлиги ва ифоданинг ёрқинлиги билан ажралиб туради. Муаллифнинг усмонли султонининг Яссавийга муҳиблиги, ўз давлати ҳудудида яссавия такялари ва вакиллариининг фаолият

⁴⁰ Бу рисола матбуотда илк бор Неъмат Жабборов эълон қилган. Қаранг: Жабборов Н. «Рисола дар одоби тариқат» – Тасаввуф тарихига оид муҳим манба // Қўлёзмалар – дурдоналар... Илмий-амалий анжуманга тақдим этилган маърузалар баёни. – Тошкент, 2001. – Б. 23-25.

⁴¹ Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари маркази. – № 3808/XIV. – В. 3126-3166.

⁴² Süleymaniye kütüphanesi. Şehid Ali Paşa Bölümü. No: 1425.

⁴³ Қўлёзма Берлин давлат кутубхонасида сақланади (Ms. Orient. Oct. 2847).

кўрсатганлигига доир фикрлари кўп яссавийшуносларнинг тасаввурларини кенгайтиради ва бойитади⁴⁴.

Яссавийнинг ҳаёти, ижоди, маънавий-ахлоқий тушунчалари ва издошлари тўғрисидаги қарашларни бойитадиган муҳим асарлардан яна бири яссавийликнинг йирик вакили Муҳаммад Олим Шайхнинг «Ламаҳот мин нафаҳот ил-қудс» («Муқаддас уфурлардан шуълалар») китобидир⁴⁵. Асосан зикр ва қудсий калимотлар шарҳланган бу асарда Яссавий замони ҳамда ундан кейинги даврларда яшаган яссавия машойихларига тегишли воқеалар ёритилган. Д.ДиУис яссавийлик анъанасини акс эттирувчи энг муҳим манқабавий ва тарихий манба деб таърифлаган «Ламаҳот»даги шеърий ва насрий мисоллар унинг илмий қимматини янада оширади⁴⁶.

XVII асрнинг таниқли олимларидан Шайх Зинда Али Мирак қаламига мансуб «Самарат ул-машойих» асари ҳам бевосита бизнинг мавзумизга дахлдордир. Унда Туркистон минтақасидаги асосий тариқатлар ҳамда уларнинг йирик вакиллари ҳақида эътиборга молик далил ва мулоҳазалар мавжуд⁴⁷.

Хуллас, Яссавий ҳаёти, ижоди, дунёқараши таълимоти ва давомчилари борасида ишончли мулоҳазалар билдиришнинг асосий шартларидан бири, турли давр ва асрларда ёзилган мазкур манбаларга суянишдир. Улар бир қатор ҳикматларнинг Яссавий қаламига мансублигини тасдиқлаши, «Фақрнома»даги ҳол ва мақом мавзуига аниқлик киритиши, кўплаб илмий-маърифий маълумотларнинг янгилиги билан қийматлидир. Яссавия тариқатининг тарихи ва тажриба тараққиётини холис текшириш жиҳатидан ҳам мазкур манбалар муҳим аҳамият касб этади. Айни пайтда, ушбу асарлар «Девони ҳикмат» матнига нисбатан бошқача кўз-қараш билан ёндашишни талаб қилади. Бизнингча, уларни пухта ўрганиш яссавийшуносликнинг кейинги ривожини белгилашга ҳам катта таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

Диссертациянинг учинчи боби **«Хожа Аҳмад Яссавий ҳаёти, ижоди ва таълимоти»** деб номланган. Унинг *«Аҳмад Яссавий яшаган тарихий давр»* деб аталган илк фаслида улуғ шайх яшаган ижтимоий, сиёсий ҳаёт, унинг таржимаи ҳоли, таълимоти ва ижодиётига кенг тўхталинди.

⁴⁴ Ҳазинийнинг тадқиқотга жалб этилган яна бир шеърий асари «Хужжат ул-аброр дар асомийи авлиёи кибор» Париж миллий кутубхонасида сақланади (Bibliothèque Nationale. Pers A.F. 263. – 103b-173b).

⁴⁵ Дастлаб хорижлик олимлар томонидан тадқиқ этилган ушбу асарни биз ҳам ўрганиб бир неча мақолалар эълон қилдик (қаранг: Шайх Муҳаммад Олим Сиддиқий. Ламаҳот мин нафаҳот ил-қудс. Нашрга тай. М.Назир Ранжха. –Исломобод-Лаҳор, 1986; DeWeese D. The Yasavi Order and Persian Hagiography in Seventeenth-Century Central Asia: Alim Shaykh of Aliyabad and his «Lamahat min nafahat al-quds» // The Heritage of Sufism. – Vol. III. – Oxford, 1999; Ҳасан Н., Султон Ў. Олим Шайхнинг «Ламаҳот мин нафаҳот ил-қудс» асари ва унинг яссавийшуносликдаги аҳамияти // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2006. – № 3. – Б. 16-25; Hasan N. Âlim Şeyh ve onun «Lemehat min nefehat il-kuds» eseri. Tasavvuf ilmi ve akademik araştırma dergisi. – Ankara, 2007. Sy. 18. – S. 229-242 в.б).

⁴⁶ Ди Уис Д. Ўша мақола. – Б. 393, 405, 413.

⁴⁷ Зинда Али. Самарат ул-машойих. Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари маркази, № 1336.

Яссавийликка бағишланган қадимий манбаларда Яссавийнинг тарихий ҳаёти билан маноқибий таржимаи ҳоли қўшилиб-қоришиб кетган. Манқабалардаги воқеа-ҳодисалар ҳаёт ҳақиқатларини тўла акс эттирмаса-да, улар воқелик ва ҳаёлот ҳодисаларини уйғунлаштириб, у ёки бу тарихий шахс тўғрисида ўзига хос тасаввур ҳосил қилиш жиҳатидан қадридир. Лекин, айти пайтда, илмда тўғри таъкидланганидек, бундай манқабалар асрлар оша авлоддан авлодга ўтгач, тарихий шахсларнинг ҳақиқий сиймосини аниқлашни қийинлаштирган⁴⁸. Демак, Яссавийнинг илмий таржимаи ҳолини яратишда маноқибларга танқидий ёндашиб, асосан тарихий манбаларга суяниш зарурдир.

Бобнинг «*Таржимаи ҳоли ва таҳсили*» ва «*Яссавийлик тариқатининг юзага келиши*» деб номланган навбатдаги икки фаслида Яссавийнинг таълим-тарбияси, оиласи, устозлари, яссавийликнинг барпо этилиши ва тараққий топиши хусусида тўхтаб ўтилган. Ҳикмат тушунчаси ва ҳикматнавислик тажрибасига эса алоҳида қисм бағишланди.

Маълумки, Яссавий ҳикматнависликда халқ оғзаки шеъриятидаги шакл ва ифода усулларига таянган. Ҳикматларда Ўрта Осиё халқлари оғзаки ижодида кенг тарқалган етти ва ўн икки бўғинли бармоқ вазнидан фойдаланган. Фитратнинг фикрича, Яссавийнинг «адабиётда тутган йўли содда халқ шоирларимизнинг тутқон йўллари дир... Унинг ҳикматлари вазнда, қофияда, услубда халқ адабиёти аталган шеърлар билан баробар юрган»⁴⁹. Ҳикматлар, аввало, шу жиҳатдан ҳам кенг омманинг кўнглини таъсирлантириб, қайта-қайта ўқишга иштиёқ уйғотиб борган. Мавлоно Воҳидийнинг «Миръот ус-соликин» асарида келтирилган куйидаги эътироф сўзларидан ҳам буни англаса бўлади: «Хожа Аҳмад Яссавий жаҳрия тариқати карвонбошисидир. Уни «лисон ул-ғайб» деб ҳам айтадилар. Унинг ҳикматлари жаннат боғларидан бир боғдир. Ҳар вақт хушхон қавволлар кетма-кет у кишининг маърифатга тўла ҳикматларидан ўқиганларида, суҳбат аҳлида ғавво (жазба) ҳосил бўлади...»⁵⁰.

Ҳикматларнинг муаллифлик масаласига тўхталадиган бўлсак, «XII асрда Яссавий деган шоир яшаб ўтганлигини инкор қилиб бўлмайди, буни Навоий ҳам, бошқалар ҳам айтиб ўтишган. Яссавийнинг тасаввуфий дунёқараши, фикр ва мулоҳазалари унинг шеърляти орқали ифодаланган ва намоён бўлган. Бинобарин, унинг сўфийлигини, донишмандлигини тан олиш шеърлятини ҳам тан олиш, деган гапдир»⁵¹. «Ўзбек адабиёти, шеър тузилиши ва шеършунослиги тарихида бурилиш қилган ва ҳар жиҳатдан янгилик яратган»⁵². Шеърни Яссавий халқни тўғри йўлга бошлаш, тасаввуф ҳақиқатларини ёритиш, халқни комилликка ундаш воситаси деб билган ва

⁴⁸ Кўпрулу Ф. Ўша асар – Б. 27.

⁴⁹ Фитрат. Ўша асар. – Б. 31.

⁵⁰ Залеманъ К. Легенда про Хакимъ-Ата. Cod. University Petrop. 596 fol.

⁵¹ Ҳайитметов А. Яссавий сатрларидаги фарқлар // Маҳалла. – Тошкент, 2004 йил 14 апрель.

⁵² Тўйчиев У. Ўша мақола. – Б. 76.

ҳикматларидан шу мақсадларда унумли фойдаланган. Яссавий ҳикматларидаги муножот-у фарёдлар, тавба-ю истиғфорлардан ҳам бунга англаш қийин эмас.

Бобнинг «*Яссавийлик мафкуриси ва таъсир самаралари*» деб номланган сўнгги фаслида яссавийлик таълимоти ва унинг бошқа ўлкаларда тарқалиш жараёнига эътибор қаратилган. Тарихдан маълумки, дастлаб салжуқий ҳукмронлиги ҳудудларининг кенгайиши, ундан кейин эса мўғул босқини туфайли Ўрта Осиёликлар ғарбга, Кичик Осиё минтақасига ҳижрат этишган. Усмонли давлатидаги бобоийлик, ахийлик, бектошийлик каби бир қанча тариқатларнинг ташкил топишига ҳисса қўшган ва кўплаб такя-хонақоҳларни қурган яссавия издошларининг мақбаралари ҳанузгача сақланиб қолган⁵³. Онадўлидаги тасаввуфий халқ адабиётининг пайдо бўлиши ҳам Яссавий билан боғлиқ. Бу адабиётнинг Онадўлидаги энг машҳур вакили Юнус Эмро шеъриятда Яссавий анъаналарини ривожлантиришга уринган. Эмродан кейин Ҳожи Байрам Валий, Ашрафўгли Румий, Азиз Маҳмуд Худойи, Ниёзи Мисрий каби кўплаб сўфий шоирлар ҳам Эмро изидан бориб, Онадўлида Пири Туркистон анъанасини жонлантирганлар. Бундан ташқари, минтақадаги ижтимоий-маънавий ҳаётнинг ҳамда давлат ва жамият тузилишининг шаклланишига ҳам Ўрта Осиёдан кўчиб борган яссавия дарвешлари маълум таъсир ўтказганлар⁵⁴. Тадқиқотчиларнинг гувоҳлик беришича, Яссавий давомчилари Олтин Ўрда, Озарбайжон, Афғонистон, Хуросон, Ҳиндистон, Синд, Кашмир, Панжоб ва Бангладеш ўлкаларида ҳам фаолият юритганлар⁵⁵. Яссавийнинг туркий халқлар маънавияти тарихидаги хизматлари фақатгина шулардан иборат эмас, албатта. Устод Фитратнинг таъкидлашича, ўтмишда шоир, адиб ва сўфийлар орасида Яссавийчалик ўз таъсирини кенгайтирган бир сиймони учратиб бўлмайди. Чунки туркий халқлар адабиёти, шеърияти, диний-ирфоний ҳаётида Аҳмад Яссавийнинг таъсири жуда катта эди. Яссавий нафақат

⁵³ Barkan Ö.L. a.g.e., s.26; Köprülü F. Ahmed Yesevi/İslam Ansiklopedisi, – İstanbul, 1950. – S. 213; Birge J.K. The Bektashi order of dervishes. – London, 1965. – S. 21; Çubukçu İ.A. Türk düşüncesi tarihinde felsefe hareketleri. – Ankara, 1986. – S. 116; G.Demir. Osmanlı devletinin kuruluşu ve Ahilik. – İstanbul, 2000. – S. 341.

⁵⁴ Шунингдек, яссавийликнинг Онадўлига кириб боришида Ҳожи Бектош Валийнинг ҳам ҳиссаси бўлган (İz F. Ahmed Yesevi. Encyclopedie del Islam (nouvelle edition) I/308; Coşan E. Hacı Bektaş-ı Veli. Makalat. – S. XIX-XXXIII; Ocak A.Y. Anadolu sufiliğinde Ahmed-i Yesevi ve Yesevilik // Türk Dili aylık dil dergisi. Hoca Ahmed Yesevi özel sayısı. Sy.504 / Aralık 1993. – S. 584; Öztürk M. Ahmet Yesevi. Hacı Bektaş-ı Veli ve Yunus Emre / Erdem. C.III/III. – S. 9. – Ankara, 1987. – S. 759-768; Гўзал А. Яссавийнинг «Факрнома»си билан Ҳожи Бектош Валийнинг «Мақолот»и орасидаги ўхшашликлар / Хожа Аҳмад Яссавий: ҳаёти, издошлари, анъаналари. – Тошкент, 2001.

⁵⁵ Zarcone Th. Ўша мақола; Ёқит И. Хожа Аҳмад Яссавий ва унинг турк тафаккур тарихидаги ўрни / Хожа Аҳмад Яссавий: ҳаёти, ижоди, анъаналари. – Б. 47; DeWeese. The Yasavi order... – P. 389-414; Kafesoğlu İ., Türk Milli Kültürü. – İstanbul, 1995. – S. 366; Гордлевский Боғчасаройнинг Азия маҳалласида дарвешларнинг жаҳрий зикр қилаётганини мисол келтириб, яссавийликнинг Олтин Ўрда давридаги таъсири Қримгача етиб борганлигини қайд этади. Қаранг: Гордлевский. Ўша мақола. – Б. 368. –44-изох.

маънавият ва адабиётда, балки ижтимоий ва сиёсий ҳаётда ҳам баланд нуфуз соҳиби эди.

Тарихда ўтган бир қанча ҳукмдорлар яссавийлик тариқатига ихлос боғлашган бўлса, бошқа бирлари Яссавийнинг издошларига ҳам алоҳида эътибор-у илтифот кўрсатишган. Ана шундай ҳукмдорлардан бири соҳибқирон Амир Темурдир. Туркистонда Яссавийга қурилган улкан мақбара Амир Темур барпо этган тенги йўқ обидалардан бўлиб, соҳибқироннинг адабиётга, шеърятга, умуман, маънавиятга бўлган юксак муносабатининг бир намунаси, дейиш мумкин. Темур улуғ шайх мазори устига мухташам мақбара қурдирганда, яссавийликнинг наинки ўтмишини, балки келажагини ҳам аниқ тасаввур қила олган. Унинг Нўғой имом Ҳусайнбек, Чўпон ота, Исмоил ота, Исҳоқ ота ва Занги ота қабрлари устига тиклаган мақбаралари ҳам мазкур ҳақиқатнинг бир далилидир⁵⁶. Олтин Ўрда давлати ҳудудидаги турк ва мўғул қабилаларининг мусулмонлашувида Яссавий ҳикматларининг жуда катта роль ўйнаганлиги «Тўрт улус тарихи», «Тарихи Рашидий» каби манбаларда ҳам эътироф этилган⁵⁷.

Учинчи бобнинг «Девони ҳикмат»: *ғоя, мазмун ва тил масалалари*» деб номланган сўнгги қисмида Яссавий ҳикматларининг ғоявий олами ва тил хусусиятларига эътибор қаратилган. Яссавий халқона, содда ва равон йўлдаги ҳикматлари билан туркий халқларнинг ирфоний ижодида улкан бурилиш ясади. Туркий адабиётда «Яссавий мактаби» деган такрорланмас бир ижод мактаби юзага келди. «Девони ҳикмат» халқимизнинг энг мўътабар китобларидан бири бўлиб қолди. Панд-насихат мазмунидаги шеърлари орқали Яссавий солиқ ва муридларни нафс тарбияси, қалб тасфияси (поклиги) ва ахлоқий комилликка чорлади. Айни пайтда, унинг шеърларида чин инсоний фазилатлар: одоб-ахлоқ, меҳр-у саховат, раҳм-у шафқат, адолат ва маърифатга алоҳида аҳамият берилган:

*Сўзни айдим ҳар ким бўлса дийдор талаб,
Жонни жонга пайванд қилдим рағни улаб.
Ғариб, фақир, етимларни бошин силаб,
Кўнгли қаттиқ халойиқдин қочтим мано*⁵⁸.

Улуғ шайх ўқувчини яна «ғариб, фақир, етим, бева-бечораларнинг бошини силаш»га чақиради, раҳм-шафқатсиз, кўнгли қаттиқ кимсалардан эса йироқлашиш лозимлигини уқтиради. Қалби ўткинчи дунё севгисига асир

⁵⁶ Егоров О.П. Протокол №3 отчёта на заседании Главн. Туркест. Губер-ство. – 11 сентября 1900. – С. 93-95; Шайх Зинда Али. Самарат ул-машойих. – 108 а.

⁵⁷ Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. – Тошкент: Чўлпон, 1994. – Б. 225-226; Мирзо Ҳайдар. Тарихи Рошидий, Форсийдан Муҳаммад Кошғарий таржимаси. Беруний номидаги Шарқ кўлёмалари маркази. – №10191/III (Мирза М.Хайдар. Тарих-и Рашиди. Введение, перевод с персидского А.Урунбаева, Р.П.Джалиловой, Л.М.Епифановой. Примечания и указатели Р.П.Джалиловой, Л.М.Епифановой. – Ташкент: Фан, 1996. – С. 94, 461, 470, 474);

⁵⁸ Хожа Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат. ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги давлат Адабиёт музейи №178, 2 а.

бўлган «дунёпараст халойиқ»дан четлашга урғу беради. Зеро, айнан шундай нафспараст кимсалардан жамиятга кўп касофат ва офат етади.

Яссавий ҳикматларида Қуръон ва ҳадисларга таянишини такрор-такрор таъкидлар экан, бир ўринда яна шундай дейди:

Яссавийшуносларнинг умумий эътирофига кўра, Яссавий ҳикматларида, аввало, икки муҳим унсур кўзга ташланади: исломий (диний-ирфоний) ва миллий-ахлоқий (халқона ва дидактик) адабиёт унсури. Диний унсур кўпроқ мавзу ва тушунчада акс этган бўлса, кейингиси, асосан, тил, шакл, вазн, мазмун ва образлар оламида ёрқин намоён бўлади⁵⁹. Дарҳақиқат, Яссавий ўз қарашларини тарғиб этишда миллий ғоя ва тушунчаларга таянган. Масалан, ҳикматларда қаноат, ростгўйлик, жасорат, ватанпарварлик, меҳмоннавозлик, жўмардлик, устозга ҳурмат ва вафо, ахлоқ ва халққа хизмат каби бир қатор фазилатлар мадҳ этилади. Шунинг учун ҳикматларни ёшу қари мароқ билан ўқиган, ҳар бир авлод вакиллари улардан ўзларича сабоқ олиб, Яссавий талаб ва кўрсатмаларини имкон даражасида амалга оширишга интилиб яшашган. Бунга халқимизнинг пешқадам вакиллари доимо эътибор билан қарашган. Бизнингча, Навоийнинг маънан Яссавий ижодиётига боғлиқлигини худди шу томондан қидириш керакка ўхшайди. Проф. Тоҳир Чигатой қарашига кўра эса «...миллий тил ва турмушимизни таҳликадан қутқарган буюк турк шайхи Аҳмад Яссавий бўлса, уни тўлиқ шакллантирган ва унга муваффақият тожини кийдириб кетган Алишер Навоийдир»⁶⁰. Яссавийнинг ҳикмат дунёсидан бохабар бўлиш Навоий ижодиётини етарли зайлда англаш ва талқин қилишда ҳам яқиндан ёрдам беради.

Яссавий бошлаб берган бу йўналиш ундан кейин ҳам давом эттирилиб, туркий тилнинг бадиий жиҳатдан гўзал тил эканлиги исботланди. Ҳар бир сўзига миллатнинг ўз қадрияти, руҳий-маънавий манбаларидан келиб чиқиб ёндашиши Яссавий даъватларининг умрбоқийлигини таъминлади. Унинг фикр-қарашларидан Ватан меҳри, миллий идрок ва ғоя, юксак ахлоқий тушунчалар чуқур ўрин эгаллаган эди. Демак, ҳикматларнинг асрлар давомида яшаб келаётганлигининг ва кўплаб ижодкорларга таъсир манбаи бўлиб хизмат этганлигининг асосий сабабларидан бири – унда тил руҳининг сўнмаганлиги ва маърифий-ахлоқий моҳиятнинг устунлигидир. Тўғри, Яссавий ҳикматларининг тили тўғрисида ҳанузгача бир тўхтамга келинган эмас. Масалан, Кўпрулу «Девони ҳикмат» шарқий туркий тилининг қарлуқ лаҳжаси, хоқония адабий тилида ёзилган. Лисоний ва адабий асарлар жуда озчиликни ташкил этган бир даврга мансуб бўлган «Девони ҳикмат» ҳам тил, ҳам адабиёт тарихи жиҳатидан, албатта, улкан аҳамиятга эга” деб ёзган бўлса⁶¹, немис олими Т.Мензел ҳам унинг хулосаларини қўллаб, ҳикматларнинг тили «Қутадғу билиг» ва Ўрхун ёзувлари тили билан

⁵⁹ Кўпрулу Ф. Ўша асар. – Б. 133.

⁶⁰ Çiğatoy T.Ş. Turkiston Turk milliy mafkurasi ve Alişer Navoiy. – Berlin, 1939. – S. 32.

⁶¹ Кўпрулу Ф. Ўша асар. – Б. 144-145.

бевосита боғлиқ эканини қайд қилади⁶². З.В.Тўғон эса «Девони ҳикмат»нинг қадимги нусхаларида мавжуд бўлиб, кейинчалик ўзгаришга учраган айрим эски ҳикматларни келтиради. Ушбу фикр-мулоҳазаларга қўшилмасликнинг иложи йўқ. Зеро, ҳикматлар таркибидан ўрин олган баъзи сўз ва иборалар уларнинг муаллифлик масаласига ойдинлик киритишга хизмат қилади. Бизнингча, Аҳмад Яссавий ҳикматларининг тили юзасидан нисбатан қатъийроқ хулоса чиқармоқ учун «Девони ҳикмат»даги шеърларни қорахонийлар даврига мансуб асарлар билан тил жиҳатидан қиёслаш керак. Масалан, Яссавийнинг:

*Маҳдуми покбози, парвози шоҳбози,
Соҳиб хуруж ғозий, чун Арслон эмасму?*⁶³ -

каби мисраларини Маҳмуд Кошғарийнинг:

*Алп Эр Тўнга ўлдиму,
Эсиз ачун қалдиму,
Озлак ўчун алдиму,
Эмди журай йиртилур, –*

мисраларига қиёслаганда шаклий ва ифодавий ўхшашлик яққол сезилади. Бу борада Мақсуд Шайхзоданинг қуйидаги фикрлари ниҳоятда эътиборли: «Шубҳасизки, Хожа Аҳмад Яссавийнинг ёзиб қолдирган «Ҳикмат» китоби кейинча тил жиҳатидан ва маъно томонидан қанчалик ўзгаришларга дучор бўлмасин, унинг асл вазни аввалги ҳолича қолган. Чунки бировлар илгариги вазни шунча илдизидан ўзгартириб, қайтадан ишлашлари амримаҳол бўлар эди. Бу асарнинг вазни эса муаллифи аввалида ўзи ўйлаб ишлаган ҳолида сақланиб қолган»⁶⁴. Шундан келиб чиққан ҳолда вазнга асосланиб тил ва маъно ўзгаришларини текшириш мумкинлиги ҳам қайд этилган⁶⁵.

Хуллас, Маҳмуд Кошғарий, Аҳмад Югнакий, Юсуф Хос Ҳожиб каби алломалар билан бир қаторда Аҳмад Яссавий ҳам содда, равон ва таъсирчан тўртликлари билан туркий халқларга ислом ҳақиқатларини етказишда фаоллик кўрсатди. Оқибатда Яссавий тариқати ва шеърятининг таъсир кўлами кенгайди.

«Ҳикматнавислик анъанасининг давом топиши». Ишнинг охириги боби шундай деб номланади. Унда Яссавий анъанасининг бадиий ижодда давом топиши жараёни текширилган. Яссавийдан кейин ҳикмат ёзиш ва ҳикматхонлик йиғинларини ўтказиш бир одатга айланган эди. Хусусан, Ҳаким ота, Занги ота, Бобо Мочин, Саййид ота, Иқоний, Темурий, Умурий, Неъматуллоҳ каби кўплаб Яссавий издошлари ҳикматнавислик тажрибасини

⁶² Menzel Th. Das Bektaschi-Kloster Sejjid-i Ghasi (Mitteilungen der Seminars für Orientalische Sprachen, Jahrgang XXVIII. – Abt. 2. – Berlin, 1925). – S. 93: Гордлевский В.А. Избр.соч. – Т. 1. – ИВЛ. – М., 1960. – С. 205.

⁶³ Хожа Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат (Янги топилган ҳикматлар). – Тошкент: Мовароуннахр, 2004. – 38-ҳикмат.

⁶⁴ Шайхзода М. Асарлар. 5-том. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1973. – Б. 207.

⁶⁵ Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. – Тошкент, 1991. – Б. 23.

давом эттирганлар. Шулардан бири ва энг машҳури Ҳаким ота - Сулаймон Боқирғонийдир. Ҳаким ота ва унинг шеърлари ҳақида Алишер Навоий ҳам фикр билдирган. Ҳаким отанинг ҳикматлари туркийлар орасида кенг шухрат топганлигини қайд этар экан, шундай бир мисолга ҳам эътиборни қаратади:

*Тиқи тургон тўбодур,
Боргонларни ютодур.
Боргонлар келмас бўлди,
Магар манзил ондадур*⁶⁶.

Боқирғоний манзумаларининг туб моҳиятини инсон тақдири ва комиллик ҳақиқатларини қўлга киритиш ташкил этади. Унинг адабий мероси кўламининг кенглиги, ахлоқий-тарбиявий аҳамиятининг кучлилиги билан дидактик адабиётимиз тарихида алоҳида мавқега эга. Боқирғоний, айниқса, шеърӣ қиссаларида қадимги давр қаҳрамонлари тимсолларини адабиётимизга олиб кирган. Шунингдек, у мунозара жанри имкониятларини ҳам амалда исботлаган.

Сулаймон Боқирғонийнинг шогирди Занги ота ҳам ўзбек тасаввуф адабиётига маълум бир ҳисса қўшган. Охирги бобда Занги отанинг ҳаёти ва шеърларига махсус тўхталинган.

Тарихдан аёнки, XVI асрда шайбонийлар ҳукмронлиги даврига келиб яссавийликка эътибор қайта кучайди. Айниқса, Шайбоний ва Убайдуллоҳон сингари шоҳ шоирлар Аҳмад Яссавийга эргашиб шеър-у ҳикматлар битдилар. Шайбонийхон Аҳмад Яссавийнинг табаррук номини тиклаш ва улуғлаш мақсадида улуғ пирнинг Туркистондаги мақбарасини таъмирлайди, яссавийлик анъаналарини жонлантиради. Унинг девони ҳам Яссавий ҳикматларидан таъсирланган ижодкор бўлганини тасдиқлайди. Зеро, девондаги кўплаб шеърлар ҳикматлар руҳи ва моҳиятига яқинлиги билан ажралиб туради:

*Авлиёлар сарвари ул шоҳи Туркистон эмиш,
Ер юзини нури тутқон моҳи Туркистон эмиш.*⁶⁷

Фитрат ҳам XVI асрдан кейин ўзбек адабиётини олдинги чиғатой адабиётидан ажратиб турадиган хусусиятларни тасниф қилар экан, шеърӣятда Яссавий ҳикматнавислик мактаби сарой муҳитигача кўтарилганлигини алоҳида қайд этиб ўтади⁶⁸. Шайбонийларнинг Яссавий ижодиётига жиддий эътибор бериши ва унинг ҳикматнавислик анъаналарини қайтадан жонлантириши XVI аср ўзбек адабиётида юзага келган янги бир ҳодиса эди. Буни Убайдуллоҳон (Убайдий) шеърӣяти ҳам тасдиқлайди:

*Аё дўстлар, жондин кечиб, ишқ илкини туттум мано,
Ваҳдат майин ичкунча не хунобалар юттум мано.*

⁶⁶ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами, Насойим ул-муҳаббат, 17-жилд. – Тошкент: Фан, 2001. - Б. 421.

⁶⁷ Şiban Han Divani, Haz. Y.Karasoy, İnc. K.Eraslan. - Ankara: TDK yayınları, 1998. – S. 69.

⁶⁸ Фитрат А. Танланган асарлар. II жилд. Илмий асарлар. Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи ф.ф.д. Ҳ.Болтабоев. – Тошкент: Маънавият, 2000. – Б. 61.

*Уч юз олтмиш дарё ўта юрмай киши суд айламас,
Тўрт юз қирқ тўрт тоғдин ошиб, борисидин ўттум мано.*

Я.Экман таъкидига кўра, Убайдийнинг биринчи хизмати чигатой адабиётида ҳикмат жанрини оёқлантирганидир⁶⁹.

Яссавийлик тариқатининг яна бир таниқли намояндаси Шайх Худойдод Азизон бўлиб, яссавийликка доир манбаларда у ҳақда етарли даражада фикрлар мавжуд. Тадқиқотда Худойдод ҳикматларининг ўзига хос жиҳатларини ёритишга ҳаракат қилинди. Туркистондаги ижтимоий, сиёсий ҳаётнинг барқарорлашуви, илм, маърифат, маданият жабҳаларида бирмунча юксалишнинг таъминланишида яссавийлик тариқати ижобий роль ўйнаган. Шу маънода Қосим Шайхнинг шахси ва адабий фаолияти ҳам ибратлидир. Бу зот халқ орасида Ҳазрати Эшон, Қутб ул-авлиё, Суғд ул-авлиё каби номлар билан танилиб, сўфиёна шеърлар ёзган. Диссертацияда улардан баъзилари таҳлилга тортилди. Яссавий мактаби шоирлари ҳақида сўзлаганда кўқонлик Азим Хожа Эшон адабий мееросини ҳам назардан четда қолдириб бўлмайди. Машҳур шоир Низомий-Хўқандийнинг⁷⁰ набираси бўлган Азим Хожа девон соҳиби, мутасаввиф ва ҳикматнавис шоирдир. Бизга қадар ундан салмоқли бир мажмуа етиб келган⁷¹. Бундан ташқари, ҳикмат тўпламларида шоирнинг ахлоқий-дидактик ва ирфоний моҳиятдаги шеърлари тез-тез учрайди. Азим Хожа ҳикматларида ҳам одоб-ахлоқ ва маънавий камолот мавзулари биринчи ўринда туради. Илоҳий калима ва тушунчалар орқали у ҳам инсон кўнглини тубдан янгилашга алоҳида эътибор қаратади.

Хуллас, Яссавий бошлаб берган ҳикматнавислик анъанаси жаҳон адабиётидаги алоҳида бир ҳодиса ҳисобланади. Унинг шаклланиши ва тараққиётини бир неча босқичларга ажратиш мумкин:

– Яссавий туркий халқларни дин ва тасаввуф маърифатидан баҳраманд этиш мақсадида ирфоний, тарбиявий мазмунда ҳикматлар яратди ва ҳикматнавислик анъанасини бошлаб берди. Унинг ҳикматлари Ўрта Осиё халқлари орасида кенг қўлланилган халқона услубда, бармоқ вазнида битилган;

– қадимий манбаларда Яссавий билан бир қаторда унинг давомчилари тўғрисида ҳам маълумотлар битиб қолдирилган. Булар, умуман, ҳикматнавислик анъанасининг тарихи ва тадрижини ёритишда маълум бир аҳамият касб этиши шубҳасиздир;

– «Девони ҳикмат» тили юз йиллар мобайнида соддалаштириш ҳолатларини бошидан кечирган. Академик В.Бартольднинг фикрича эса, ҳикматлар тили даврлар кечиб котибдан котибга ўтиш асносида ўзгариб,

⁶⁹ Şiban Han Divani. – S. 23-24.

⁷⁰ Низомий-Хўқандий ҳақида қаранг: Қаюмов П. Тазкираи Қайюмий. I. – Тошкент, 1998. – Б. 105-107. Низомийнинг сўфиёна шеърлари «Девони ҳикмат» нусхаларида ҳам учрайди.

⁷¹ Девони Азим. ЎзР ФА давлат Адабиёт музейи фонди. – № 189. Девон ҳақда қаранг: Жўрабоев О. Азим Хожа эшон ва унинг девони қўлёзма нусхалари борасида // Адабиёт кўзгуси. – Тошкент, 2009. – № 11. – Б. 18-23.

замонавийлашиб борган. Ҳар бир котиб ўз даври руҳига кўра ҳикматлар тилини таҳрир қилиб, қўшимчалар билан тўлдирган⁷².

– «Девони ҳикмат»га Яссавий шогирдларининг ҳикматлари ҳам қўшилганлиги шубҳасиз. Лекин бу, Яссавийнинг ўзи ҳикмат яратмаган, дегани эмас.

– Яссавий издошларининг ҳикматлари халқнинг маънавий-руҳий талабларига тўла жавоб берган. Шунинг учун ҳам улар ҳар бир авлод томонидан ўқиб-ўрганилган. Бу ҳақиқатни тасдиқлайдиган тарихий далиллар эса жуда кўпдир.

ХУЛОСА

1. Туркий халқларнинг ахлоқий-маънавий ҳаётидан муҳим ўрин эгаллаган улуғ аллома, машойих ва валийлар фаолиятини, улардан мерос қолган илмий, маърифий ва адабий меросни тадқиқ ва ташвиқ этиш долзарб вазифалардандир. Чунки бу сиймолар наинки адабиёт ва санъатда, балки ижтимоий-сиёсий ҳаётда ҳам фаол бўлишган, жамиятда адолатнинг қарор топиши учун қайғуришган. Улар бир томондан, халқни тўғри йўлга даъват қилган бўлсалар, иккинчи томондан, ҳукмдорларга йўл-йўриқ кўрсатиб, уларни хайрли ишларга чорлаб турганлар. Аммо шўро даврида бундай сиймоларнинг фикр-қарашлари камситилиб, фаолиятлари эса оммага қоралаб кўрсатилди. Юртимиз истиқлолга эришгач, уларнинг ижоди ва фаолиятига ҳолисона баҳо бериш имконияти очилди. Натижада илмнинг яссавийшунослик деган соҳаси ҳам тараққий эта бошлади.

2. Ўтмишда Яссавий ва яссавийликка доир бир қанча илмий, тасаввуфий, тарихий асарлар яратилган. Тадқиқот жараёнида хориж ва мамлакатимиз кутубхоналарида сақланаётган бундай асарлардан бир қанчаси излаб топилди, тадқиқ этилиб, илмий муомалага киритилди ва имкон даражасида Яссавий ҳаёти, ижоди, таълимотига доир янги фикр-хулосалар олға сурилди. Умуман олганда, Яссавий ҳаёти, ижоди, дунёқараши, тасаввуфий таълимоти ва издошлари хусусида ишончли мулоҳазалар билдиришнинг асосий шартларидан бири, турли замонларда битилган мазкур манбаларга таянишдир. Чунки улар Яссавий ҳикматлари ҳамда «Фақрнома»нинг муаллифлик масаласига аниқлик киритиши ва бир қатор янги илмий-маърифий маълумотларга эгаллиги билан қимматлидир. Яссавийлик тарихи ва ривожини ҳолис ўрганиш юзасидан ҳам мазкур асарлар аҳамиятга моликдир. Айни пайтда, улар «Девони ҳикмат» матнига янгича нуқтаи назар билан ёндашишга имкон беради. Шунингдек, ушбу манбаларни ўқиб-ўрганиш яссавийшуносликнинг кейинги тараққиётини белгилашга ҳам алоҳида таъсир кўрсатади.

3. Ушбу манбалар асосида Яссавийнинг илмий таржимаи ҳоли ёритилди; улардан ўрин олган Яссавийга оид баъзи фикр-қарашлар «Девони ҳикмат» билан қиёсланиб, тегишли илмий хулосалар чиқарилди;

⁷² Бартольд В. Сочинения. – Т. V. – М., 1968. – С. 118-119.

4. Аҳмад Яссавий туркий халқлар адабиёти, маданияти ва маънавиятига асосан қуйидаги йўналишларда ўз таъсирини ўтказган:

Маънавий-ахлоқий, диний-тасаввуфий таъсир. Бунда фақат улуғ пирнинг ўзи эмас, балки Ҳаким ота, Занги ота, Ҳубби Хожа, Саййид ота, Қусам ота, Халил ота каби издошлари ҳам яссавийликка доир маърифий тушунчаларнинг туркий халқлар орасида кенг тарқалишини таъминлаганлар.

Адабий-руҳоний таъсир. Аҳмад Яссавий ўз фикр-қарашларини халқ оғзаки шеъриятининг ички имкониятларидан фойдаланиб ифодалаш билан бир қаторда сўз, фикр ва туйғуларни ўқувчи кўнглига осон етказишга муваффақ бўла олганди. Бунга, албатта, унинг издошлари ҳам бефарқ қарашмаган. Шунингдек, Яссавий Мавлоно Жалолиддин Румий, Қул Али, Юнус Эмро, Навоий, Насимий, Махтумқули каби мумтоз адабиётнинг йирик вакиллари ижодида ҳам ўзининг маълум бир таъсирини ўтказган.

Яссавийшунослик манбалари. Туркий тасаввуф тарихидаги муҳим ҳодисалардан бири, бир қанча олим ва ижодкорларнинг бевосита яссавийликка бағишлаб махсус китоблар ёзишгани эди. Жумладан, Сўфий Муҳаммад Донишманд, Ҳусомиддин Сифноқий, Исҳоқ ота, Шайх Худойдод, Ҳазиний, Олим Шайх, Муҳаммад Бухорий, Зинда Али каби мутасаввиф алломалар яссавийлик таълимоти, қонун-қоидалари, зикри арра каби масалалар баёнига бағишланган илмий, маърифий, адабий, манқабавий асарларни қаламга олдилар. Ушбу китоблар ўтмишда яссавийликнинг муҳим назарий ва амалий манбалари сифатида хизмат қилиб келган.

5. Яссавийнинг нафс тарбияси, руҳ тасфияси, ахлоқ комиллиги ҳақидаги фикрлари асрлар мобайнида миллий шуур ва онгни шакллантиришда яқиндан ёрдам берган. Яссавий ижодиёти таҳқирланган шўро замонида халқимизнинг бу буюк мутасаввиф ижодидан ажралмаганлигининг асосий сабабларидан бири ҳам мана шунда. Бу эса халқ онгини қолоқлик, жаҳолат ва нодонликдан халос этишда асрлар давомида Яссавий фикр-ғояларидан фойдаланилганини ҳам тасдиқлайди. Бугун ҳам ушбу маърифий-ахлоқий анъана маълум маънода давом этмоқда.

6. Тарихда ўтган кўплаб ҳукмдорлар, хусусан, Арслонхон, Йўлбарсхон, Амир Темур, Шайбонийхон, Убайдуллахон Яссавий ва унинг издошларига алоҳида эҳтиром кўрсатганлар. Бу эҳтиром ва эътиборни давлат сиёсатида, меъморчилик ишларида ва бадиий ижодда кўриш мумкинки, ишда буларга алоҳида тўхталиб ўтилди.

7. Яссавий ҳикматларида халқпарварлик, фақрпарварлик, меҳр ва мурувват, сабру қаноат тушунчалари ҳам жонли тарзда ўз аксини топган. Шу боис яссавийлик маслагига содиқ қолган унинг издошлари босқинчилик хуружларига қарши курашларда фаол иштирок этиб, озодлик ҳаракатларига ўз хиссаларини қўшдилар.

8. Пири Туркистон қарашларининг миллат маданияти, кадрияти ва маърифатидаги нуфузи баланд бўлган. Унинг халқ тасаввуридаги тарихий ва манқабавий сиймоси, унга доир ривоятлар халқнинг кўз ўнгида улуғ шайхни

ишқ ва ирфон дарғаси қиёфасида гавдалантириб келган. Шу боис халқ унга бўлган эҳтиромини дариғ тутмаган ва асрлар мобайнида *Пири Туркистон*, *Хожаи Туркистон*, *Султон ул-орифин*, *Султон ул-авлиё*, *Ҳазрати Султон*, *Ҳазрати Туркистон*, *Атойи Яссавий*, *Турклар отаси*, *Туркистон отаси*, дея таърифлаб, ҳурмат ила тилга олишдан тўхтамаган.

9. Маҳмуд Кошғарий, Аҳмад Югнакий, Юсуф Хос Ҳожиб каби алломалар билан бир қаторда Яссавий ҳам туркий тилдаги ҳикматлари билан дидактик адабиёт ривожига муносиб ҳисса қўшди. Туркий тасаввуф адабиётида «Ҳикмат мактаби» деган мустақил бир ижод мактаби юзага келди. Яссавий бошлаб берган бу йўналиш ундан кейин ҳам давом топди. Асрлар мобайнида тил, маъно ўзгаришларига қарамасдан, «Девони ҳикмат» асл ғоя ва мазмунини сақлаб қолди.

10. Ҳикматлар тилининг вақт ўтган сайин замонавийлашиб боргани, кейинги даврларда яшаган Яссавийнинг издошларига оид шеърларнинг қўшилганлиги «Девони ҳикмат»ни тил тарихи жиҳатидан текширишни, албатта, мураккаблаштиради. Шу боис ишда ҳикматларнинг тили масаласи махсус ўрганилди. Чунончи, ҳикматлар тили юзасидан аниқроқ хулоса чиқармоқ учун вазнга асосланиб тил ва маъно ўзгаришларини текшириш мумкин. Шунингдек, «Девони ҳикмат»даги шеърларни тил жиҳатидан қорахонийлар даврига мансуб асарлар билан қиёслаш ҳам самарали натижа беради. Чунки айрим ҳикматлар билан Кошғарий тўртликлари қиёсланганда шаклий ва ифодавий ўхшашлик яққол кўзга ташланади.

11. Яссавийлик заминидан бир қанча йирик сўфий, ориф, дарвеш ва мутасаввифлар камолга етишдики, уларнинг номларини диний ва миллий пешволар сифатида тилга олиш тасаввуф адабиётимизда анъанага айланди. Тасаввуф тарихида ва халқ орасида машҳур бўлган Қутбиддин Ҳайдар, Ҳожи Бектоши Валий, Баҳоуддин Нақшбанд, Камол Иқоний каби сиймоларнинг фаолиятлари бевосита Аҳмад Яссавий номи билан боғлиқдир. Ана шу жиҳатлардан ҳам Яссавий шахсияти ва яссавийлик тариқати миллий-маънавий тарихимизда муҳим роль ўйнади.

12. Яссавий ижоди ва дунёқараши тадқиқ қилинганда, албатта бу буюк сўфий шоир яшаган давр талаблари, унинг тариқатига хос бўлган диний-маърифий, фалсафий ҳақиқатлар эътиборга олиниши шарт. Шунинг учун ҳам, биринчи навбатда, ўтмишда яратилган бир қатор илмий, тарихий, бадий ва манқабавий манбаларга мурожаат этиш заруриятдир. Фақат мана шу йўл билан Яссавийнинг тариқати, ижодиёти ҳамда унинг фикр-қарашларидаги зоҳирий ва ботиний мазмун-моҳиятни тўғри ёритишга эришилади. Демак, ўша даврдаги маънавий, ижтимоий, маданий ва адабий ҳаёт ҳақида етарлича тасаввур ҳосил қилиш учун Яссавий шахсияти ва яссавийлик таълимотини чуқур, изчил ва атрофлича ўрганиш, унинг туркий халқлар маънавиятида тутган ўрнини аниқлаш эҳтиёжи туғилади.

13. Яссавий ва унинг издошлари илгари сурган илғор фикр-қарашлар миллий мафкурамизни маълум томондан бойитади. Шу билан бир қаторда

Яссавий фикрлари янги давр ва замонда миллатимизнинг ўзлигини англашида ҳам яқиндан кўмак беради. Хусусан, ёш авлодни ҳалол, тўғри ва соғлом руҳда тарбиялашда улар қўл келади. Чунки «Девони ҳикмат»да ошиқ, ориф, фақир ва дарвеш орқали комил инсон тимсоли яратилган. Бу қаҳрамонларнинг ҳалоллик ва поклик учун тинмай риёзат чекиб, ҳақиқат йўлида куйиб-ёнишлари у ёки бу тарзда бугунги кишилар учун ўрнак бўлиши шак-шубҳасиздир.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 27.06.2017. Fіl. 46.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
НАУЧНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА,
ЛИТЕРАТУРЫ И ФОЛЬКЛОРА**

ИНСТИТУТ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА, ЛИТЕРАТУРЫ И ФОЛЬКЛОРА

ХАСАНОВ НОДИРХОН ДАДАХАНОВИЧ

**ИСТОЧНИКИ ЯССАВИЯ И
«ДИВАНИ ХИКМАТ»**

10.00.02 – Узбекская литература

АВТОРЕФЕРАТ

диссертации доктора (DSc) по филологическим наукам

Ташкент – 2017

Тема диссертации доктора (DSc) по филологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2017.DSc/Fil2.

Диссертация выполнена в Институте Узбекского языка, литературы и фольклора Академии наук Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации размещён на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-сайте www.tai.uz и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу www.ziyonet.uz.

Научный консультант: **Хаккулов Ибрахим Чариевич**
доктор филологических наук

Официальные оппоненты: **Хомидий Хомиджон**
доктор филологических наук, профессор

Болтабоев Хамидулла
доктор филологических наук, профессор

Салохий Дилором
доктор филологических наук, профессор

Ведущая организация: Ташкентский государственный университет
узбекского языка и литературы имени Алишера Навои

Защита диссертации состоится на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Fil.46.01 по присуждению научных степеней при Институте узбекского языка, литературы и фольклора Академии наук Республики Узбекистан «___» _____ 2017 года в «___» (Адрес: 100060, Ташкент, Шахрисабзский проезд, 5. Тел.: (99871) 233-36-50; факс: (99871) 233-71-44; e-mail: uzlit@uzsci.net).

С диссертацией можно ознакомиться в Фундаментальной библиотеке Академии наук Республики Узбекистан (зарегистрирован за номером _____). Адрес: 100100, Ташкент, Зиёлилар, 13. Тел.: (99871) 262-74-58.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2017 года.
(Протокол рассылки от «___» _____ 2017 года).

Б.А.Назаров
Председатель научного совета по присуждению
научных степеней, академик

Р.Баракаев
Ученый секретарь научного совета по
присуждению научных степеней, к.филол.н.

Н.Ф.Каримов
Председатель научного семинара при
Научного совета по присуждению научных
степеней, д.филол.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация к докторской диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Ахмед Яссавий знаменитый деятель узбекской классической литературы, основоположник тюркской мистической поэзии, первоначинатель традиции в узбекской литературе. На протяжении веков занимал высокое положение в духовной, культурной и литературной жизни тюркских народов. Имя, учение и стихи Ахмада Яссави также известны и знамениты в мировой литературоведении. В 2016 году Генеральная конференция ЮНЕСКО со связи 850-летием смерти великого мыслителя объявила годом Ахмада Яссави⁷³. Это также подтверждает наше мнение.

Благодаря независимости мы имеем возможность более обширно исследовать наше национальное наследие, в том числе богатое литературное и научное наследие наших великих предков. В частности, мы имеем возможность заново изучить творчества Ходжа Ахмада Яссави с точки зрения литературоведения, как основателя тюркской суфийской поэзии.

